2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 194 (716), 2022 йил 21 сентябрь, чоршанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ТОЖИКИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ИККИ ТОМОНЛАМА ВА МИНТАҚА КУН ТАРТИБИДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 сентябрь куни Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Икки мамлакат етакчилари яқинда Тожикистон — Қирғизистон чегарасида рўй берган фожиали воқеалар билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар. Давлатимиз раҳбари инсонлар қурбон бўлгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирди. Вазиятни нормаллаштириш юзасидан келишувга эришилгани мамнуният билан қайд этилди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Самарқанд саммитининг асосий якунлари ва унинг доирасида ўтказилган икки томонлама учрашув юзасидан фикр алмашилди.

Олий даражадаги тадбирлар давомида қабул қилинган, энг аввало, энергетика, саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларда кооперация лойиҳаларини тайёрлашни тезлаштириш ва илгари суриш бўйича қарорларни тез фурсатда амалга ошириш муҳимлиги таъкидланди.

**ЎзА**

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН ЕТАКЧИЛАРИ БЎЛАЖАК ТАДБИРЛАР РЕЖАСИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

**20 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.**

Давлат раҳбарлари Қирғизистон — Тожикистон чегарасида яқинда юз берган фожиали воқеалар юзасидан фикр алмашдилар. Президентимиз қурбон бўлганларнинг оилалари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирди ҳамда вазиятнинг авж олишини тўхтатиш бўйича икки томонлама келишувларга эришилганини чин дилдан олқишлади.

Ўзбекистон ва Қирғизистон етакчилари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида ўтказилган тадбирларнинг сермаҳсул якунларини муҳокама қилдилар.

Устувор йўналишлардаги кооперация лойиҳалари бўйича келишувларни рўёбга чиқариш, шу жумладан, "Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон" темир йўлини қуриш лойиҳасини илгари суриш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Бўлажак олий даражадаги, минтақавий тузилмалар доирасидаги учрашувларга тайёргарликнинг бориши ҳам кўриб чиқилди.

**ЎзА**

## ИСЛОҲОТЛАРНИНГ КЕЙИНГИ БОСҚИЧИ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР КЎРСАТИБ ЎТИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 20 сентябрь куни ислоҳотларни янада жадаллаштириш ва натижадорлигини таъминлаш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.**

Халқимизга яхши маълумки, охирги йиллар мамлакатимизда туб ислоҳотлар даври бўлди. Кўплаб соҳаларда биринчи навбатдаги муаммолар ҳал этилди.

Хусусан, чет эл валютасининг эркин конвертацияси йўлга қўйилди. Солиқ тизими ислоҳ қилиниб, солиқлар сони камайтирилди. Тадбиркорлик учун имконият кенгайтирилди. Божхона тартиблари соддалаштирилди. Барча соҳаларда ахборот технологиялари жорий этилмоқда. Қишлоқ хўжалигида бозор механизмларига ўтиляпти. Мажбурий ва болалар меҳнатига чек қўйилди.

Ҳудудларни ривожлантириш, ижтимоий масалаларни ҳал этиш бўйича ҳам янги тизимлар жорий қилинди. Таълим ва тиббиётда сифатни ошириш чоралари кўрилмоқда. Умуман, бугунги кунда 100 дан ортиқ соҳа ва йўналишларда ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Эндиликда, жаҳондаги тез ўзгарувчан сиёсий-иқтисодий вазиятни инобатга олган ҳолда, барқарор ўсишни давом эттириш, аҳолининг яшаш тарзи ва турмуш шароитларини янада яхшилаш мақсадида ислоҳотларнинг кейинги босқичини амалга ошириш зарур. Энг асосийси, бу ислоҳотларни шошмасдан, мантиқий кетма-кетликда ва тизимли қилиш керак.

Шу мақсадда, давлатимиз раҳбарининг 9 сентябрдаги фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислоҳотлар агентлиги ташкил этилди.

Йиғилишда мазкур Агентлик фаолиятини йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилиниб, устувор йўналишлар кўрсатиб ўтилди.

— Ислоҳотлар натижасида ижобий ўзгариш бўлиши, одамлар буни ўз ҳаётида сезиши керак. Агентлик бунинг учун устувор ислоҳотларни аниқлайдиган, уларни ўзаро мувофиқлаштирадиган ва натижадорликни таъминлайдиган тузилмага айланиши лозим, — деди Президент.

Йиғилишда шу борадаги асосий вазифаларга тўхталиб ўтилди. Алоҳида соҳа ва тармоқларни ислоҳ қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, ислоҳотларнинг устуворлиги ва мантиқий кетма-кетлигини белгилаш, давлат дастурлари ижросини мониторинг қилиш, тизимли муаммоларни аниқлаш ва тегишли чоралар кўриш шундай муҳим вазифалардандир.

Масалан, таҳлиллар қишлоқ ва сув хўжалиги, ер муносабатлари, иқтисодиётда давлат улушини қисқартириш, транспорт, коммунал хўжалиги, тиббиёт каби соҳаларда қўйилган мақсадларга эришилмаганини кўрсатмоқда. Стратегик ислоҳотлар агентлиги бундай муаммоларни танқидий таҳлил қилиб, ишни жадаллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилайди.

Иш ўринлари кўпайиши ва аҳоли даромадлари ўсиши учун иқтисодиётнинг устувор тармоқларини аниқлаш ҳам жуда муҳим.

Шу боис, давлатимиз раҳбари аҳолининг барча қатламларига ижобий таъсир қиладиган ислоҳотларни аниқлаб, "йўл харитаси" ишлаб чиқиш бўйича кўрсатма берди. Бунда аҳолидан энг кўп мурожаат бўлаётган соҳаларга эътибор қаратиш, улар бўйича нимага эришилиши ва халқ нима манфаат кўришини аниқ кўрсатиш зарурлигини таъкидлади.

Устувор соҳаларни ислоҳ қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича вазирлик ва идораларнинг малакали мутахассислари ҳамда халқаро экспертлардан иборат Лойиҳа гуруҳларини шакллантириш вазифаси қўйилди.

**ЎзА**

## ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОҲОТЛАР ДАСТУРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 сентябрь куни ўзининг иқтисодий тараққиёт, самарали бошқарув ва халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича маслаҳатчиси Сума Чакрабартини қабул қилди.**

Учрашувда мамлакатимиздаги иқтисодиёт ва бошқарувни ислоҳ қилиш доирасида эришилган натижалар ва бу борадаги келгуси режалар кўриб чиқилди.

Маслаҳатчи Чакрабарти Ўзбекистон етакчисини Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити муваффақиятли ўтказилгани билан табриклаб, Президентимиз томонидан илгари сурилган Умумий хавфсизлик ва фаровонлик йўлида Самарқанд бирдамлиги ташаббусини юксак баҳолади.

Давлатимиз раҳбари устувор йўналишлардаги янгиланишларни биргаликда пухта тайёрлаш ва кейинчалик амалга ошириш жараёнини давом эттириш зарурлигини таъкидлади. Иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини модернизация қилиш ва рақобатбардошлигини ошириш, давлат бошқарувини трансформация қилиш ва самарадорлигини кучайтириш, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини рақамлаштириш, қулай инвестицион ва ишбилармонлик муҳитини яратиш, янги кадрларни тайёрлаш шулар жумласидан.

Сума Чакрабарти ушбу масалаларда Ўзбекистон Ҳукуматига бундан буён ҳам фаол кўмаклашишга тайёрлигини билдирди.

Эслатиб ўтамиз, Сума Чакрабарти Ўзбекистон Президентининг маслаҳатчиси этиб тайинланишидан аввал саккиз йил давомида Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти лавозимида фаолият юритган.

**ЎзА**

ТАЪЛИМ

## ТДПУ: ТАЛАБГА МУНОСИБ ШАРОИТ

### БАРЧА САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИМИЗ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИС ТАЙЁРЛАШГА ҚАРАТИЛГАН

**Мамлакатимизда олий таълимга қамровнинг йилдан-йилга ошаётгани янгидан-янги олий таълим муассасаларини очиш, мавжудларининг ўқув ва бошқа биноларини кенгайтириш ва кўпайтириш заруратини вужудга келтирмоқда. Қолаверса, бугунги кун университет ва институтлар олдига ёшларни меҳнат бозоридаги талабгир йўналиш ва соҳалар бўйича ўқитиб, замонавий кадрлар этиб тайёрлаш талабини қўймоқда.**

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳам тараққиётнинг мазкур талаб ва андозаларидан мустасно эмас. Айни пайтда мамлакатимиздаги энг йирик педагогик олий ўқув юртларидан бири экани университетнинг мавқеи, ундаги йўналишлар, талабалар сони ҳақида тасаввур қилиш имконини беради.

Давоми 2-бетда

ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ

## ҲАМЖИҲАТЛИККА АСОСЛАНГАН ХОЛИС ВА ШАФФОФ ТИЗИМ

**Жорий йил 15 июлдан "Ташаббусли бюджет" жараёнининг иккинчи мавсуми бошланган эди. Унинг доирасида фуқаролар томонидан илгари суриладиган лойиҳалар бўйича биринчи босқич 3 августгача давом этди. Ушбу жараёнда ташаббускор фуқаролар томонидан 61 минг 565 та таклиф келиб тушди. Ҳудудлар кўламида олинганда, 13 минг 691 та таклиф билан Сурхондарё вилояти биринчи ўринни эгаллади. Бу умумий кўрсаткичнинг 23 фоизини ташкил этди. Хоразм ва Бухоро вилоятлари, Тошкент шаҳрида ҳам аҳолининг фаоллиги юқори бўлди.**

Давоми 4-бетда

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

**Самарқанд саммитидан кейин бугун ШҲТ маконидаги, умуман, дунё халқлари кайфияти, дипломатик-сиёсий, ижтимоий-маънавий муҳит муштараклиги ҳақида фикр юритадиган бўлсак, янги бир башарий жипслик, ҳамжиҳатлик ва ўзаро боғлиқликда тараққий этишга интилиш ҳодисаси пайдо бўлаётганини кўрамиз. Бу — ўзгараётган дунёда кенг феъллилик, бир-бирига ишонч ва самимий муносабатлар шаклланаётгани, инсон қадри улуғланган тараққиёт даври дунёнинг қарийб ярим нуфусини қамраб олаётганини англатади. Бу — қадимий Буюк ипак йўли ривожланиш ва тараққиёт йўли сифатида қайтадан тикланаётганидан дарак беради. Саммит воқеалари табиат ва замон талабини чуқур англаётган давлатлар одамларнинг муносиб ҳаёт кечириш масъулиятини ўз елкасига ортиб, қудратли ташаббуслар билан катта сиёсат майдонига чиқаётганини кўрсатади.**



## САМАРҚАНД ФЕНОМЕНИ



Одатда, "феномен" деганда, камдан-кам учрайдиган ҳодиса, воқеалар ёки факт тушунилади. Албатта, саммит биз учун ҳам, бошқа иштирокчи давлатлар учун ҳам, дунё учун ҳам кутилмаган ҳолат эмасди. ШҲТнинг тадбирлари кўп ташкил этилган ва бундан кейин ҳам ўтказилади. Қолаверса, Ўзбекистоннинг ушбу нуфузли халқаро анжуманга тайёргарлик жараёнидан ҳам барча хабардор эди. Лекин Самарқанд саммити бошқача ўтди. Ҳам ташкилий, ҳам амалий натижадорлик жиҳатдан. Ундаги самимийлик, кенг қамровлилик, кўтарилган масалалар, айтилган фикрлар, илгари сурилган ташаббус ва ғоялар, бутун мазмун-моҳияти нафақат ушбу ташкилотга аъзо мамлакатлар истиқболи, фаровон келажаги, балки минтақа ҳамда жаҳон иқтисодиётига дахлдор тарихий рекорд даражада ҳужжатлар имзоланиши билан алоҳида ажралиб турди.

Давоми 3-бетда

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

МУНОСАБАТ

# ШҲТ ДАВЛАТЛАРИ ГЛОБАЛ МУАММОЛАРГА БЕФАРҚ ЭМАСЛИГИ ВА ТАБИАТГА ҒАМХЎРЛИГИНИ НАМОЙИШ ЭТДИ

**Авазбек ХОЛБЕКОВ,**
**“Тараққиёт стратегияси” маркази эксперти**

ШҲТнинг Самарқандда бўлиб ўтган саммитида Президентимиз ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида турли йўналишларда ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган муҳим ташаббусларни илгари сурди. Улардан бири экологик муаммоларга қарши биргаликда курашишдир.



Давлатимиз раҳбари иқлим ўзгаришларининг салбий оқибатлари билан курашишда ШҲТга аъзо мамлакатлар олимлари, экспертлари, экологлари, бизнес вакиллари саъй-ҳаракатларини бирлаштириш имкони борлигини ва бу бугунги кунда жуда муҳимлигини таъкидлади. Бундай формат иқлимга мослашиш, чўлланиш, ер деградациясига қарши курашиш ва сув тежамкор технологияларни жорий этишга қаратилган лойиҳалар татбиқ этиш каби соҳаларда ҳамкорлик самарадорлигини оширади. Айниқса, Орол денгизи қуриши билан боғлиқ ҳалокатли оқибатларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Президентимизнинг саммитда иқлим ўзгаришига нисбатан жавоб ҳаракатлари тўғрисида қабул қилинган баёнот нуқтаи назаридан ШҲТ Иқлим кенгашини тузиш ташаббуси жуда мантиқий ва ўз вақтида илгари сурилганини алоҳида таъкидламоқчиман.

> “ Бу ташаббус ШҲТга аъзо барча давлатлар томонидан ижобий қабул қилиниши ва қўллаб-қувватланишига чин дилдан ишонаман. Бунинг учун барча зарур шарт-шароитлар мавжуд. Чунки бугунги кунда глобал иқлим ўзгаришининг салбий оқибатлари — музликлар эриши, сув ресурслари камайиши, қурғоқчилик ва ер деградацияси, табиий офатлар кўлами ортиб бормоқда. Флора ва фаунанинг ноёб турлари йўқ бўлиб кетиши муаммолари эса иқлим ўзгариши оқибатларига бир мисол, холос.

Бундан келиб чиқадики, ШҲТ энг нуфузли ташкилотлардан бири сифатида бу муаммоларни эътиборсиз қолдира олмайди. Саммит доирасида қабул қилинган баёнот, Иқлим кенгашини тузиш ташаббуси ташкилотга аъзо давлатлар глобал муаммоларга бефарқ эмаслиги ва табиатга ғамхўрлигини намойиш этди.

# ТАШАББУС — ЯГОНА ОИЛАНИНГ СОҒЛОМ ВА ҚУДРАТЛИ БЎЛИШИГА ЗАМИН



**Дилдора БОЗОРОВА,**
**Тошкент давлат юридик университети профессори**

Президентимиз ШҲТнинг Самарқанд саммитида маданий-гуманитар алоқаларни янада мустаҳкамлаш ҳақида гапирар экан, жумладан, ташкилот доирасида университет ректорлари форуми, маданият ва туризм кунлари, қўшма спорт тадбирлари ва универсиадалар сингари қўшимча форматларни таъсис этиш ташаббусини илгари сурди.

ШҲТ ўзининг 21 йиллик фаолияти мобайнида минтақавий хавфсизликни таъминлаш орқали кўп томонлама ҳамкорликни илгари суриш билан бирга илм-фан, янги технологиялар тараққиёти, халқ дипломатияси каби соҳаларда ҳам кенг кўламли таъсирчан чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Шу сабабдан ҳам ШҲТ тинчлик, ҳамкорлик ва тараққиёт йўлида бирлашишда жозибадор маконга айланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг юқорида қайд этилган ташаббуси эса ана шу жозибадор маконда янги дўстлик муҳитини шакллантириш, илм-фаннинг илғор ютуқларини аъзо давлатларда кенг жорий қилиш имконини бериши билан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

ШҲТга аъзо давлатлар фан-техника, таълим соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ўртасидаги алоқаларни чуқурлаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга интилади. Шу жумладан, таълим, илмий ва илмий-тадқиқот муассасалари ўртасидаги муносабатларни икки ва кўп томонлама форматларда изчил кенгайтириб, томонларни қизиқтирган қўшма илмий дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш мақсадлари мужассам. Бу жараёнда Президентимиз илгари сурган ташаббус асосида инсон капитали, хусусан, ёшлар ғояларидан фойдаланиш айни муддао бўлади.

Бир макон доирасида маданий-гуманитар ҳамкорлик ҳақида гапирганда, 2009 йилдан бошлаб ШҲТ Ёшлар кенгаши фаолият кўрсатиб келаётганига эътибор қаратиш жоиз. Кенгаш мақсади аъзо давлатлар ёшлари вакиллари ўртасида турли соҳаларда ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш саналади. Жорий йилнинг июнь ойида илк бор ташкиллаштирилган ШҲТ ёшлар илмий-техник ва инновацион форуми, август ойида бўлиб ўтган “ШҲТ ёзи” ёшлар фестивали фикримиз тасдиғидир.

ШҲТ университети фаолиятини алоҳида қайд этиш лозим. 2008 йилда ушбу университетни яратиш ва фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги концепция, 2017 йилда ШҲТ университетини ташкил этиш ва унинг фаолияти тўғрисидаги битим имзоланди. Бугунги кунда университет аъзо давлатларнинг бир нечта асосий университетларини еттита мутахассислик бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлашга қаратилган келишилган ўқув дастури билан бирлаштиради. ШҲТ университети таркибига ташкилотга аъзо давлатлардан 74 та университет киради.

ШҲТнинг Самарқанд саммитида шаклланган “Самарқанд руҳи” бу йўналишдаги алоқаларни янада кенг кўламда давом эттириш учун ўзига хос ёшлик ва дўстлик платформасига айланди, дейиш мумкин. Боиси, университет ректорлари форуми, маданият ва туризм кунлари, қўшма спорт тадбирлари ва универсиадалар мунтазам ўтказилиши, аввало, ШҲТ макони зиёлиларини, ёшларини бир манзилга жамлаб, мулоқот қилиш ва дўстлик ришталарини боғлаш имконини беради. Қўшма спорт тадбирлари ва универсиадалар эса ташкилот ягона оиласининг соғлом ва қудратли бўлишига замин яратади.

Шу маънода Президентимиз илгари сурган ташаббус ўзаро боғлиқликда ривожланиш мақсадларига тўла мос келади ва ШҲТ маконида ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлайди, қолаверса, биз мақсад қилган Учинчи Ренессанс сари йўлимизни яқинлаштираверади.

**Буюк мутафаккир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида Самарқанд шаҳрига шундай таъриф берилади:** ***“Ер юзининг аҳоли яшайдиган қисмида Самарқандча латиф шаҳар камроқдир. Ҳеч душман қаҳр ва ғалаба билан буни эгаллаёлмагани учун “балдаи маҳфуза” – “ҳимоядаги шаҳар”,*** **дерлар.**

# ЯҚИН ТАРИХДА САМАРҚАНД БУГУНГИДЕК ШОН-ШАРАФГА БУРКАНГАН ЭМАС



**Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ,**
**Олий Мажлиси Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси**

Азал-абаддан ер юзида қиёси бўлмаган латиф шаҳар яна дунё марказига айланди. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги саммити туфайли Самарқандга миллиардлаб замондошларимиз нигоҳи қадалди. Асрлар давомида миллатлараро мулоқот, ўзаро маданий ва маънавий ҳамкорлик, савдо ва илмий алмашинувлар бешиги бўлган, Буюк ипак йўлига — барҳаёт эзгу ғояларга доялик қилган улуғвор шаҳар яна шукуҳга кўмилди.

ШҲТнинг 22-саммити доирасида меҳмондўст Ўзбекистон халқи Ташкилотга аъзо ва кузатувчи мамлакатлар етакчилари, фахрий меҳмонлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарларига қучоқ очди.

Давлатимиз раҳбари “Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик” номли мақоласида қайд этганидек, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти маданий-цивилизациявий қарашлари турлича, ўз ташқи сиёсий йўналишлари ва миллий тараққиёт моделларига эга мамлакатларни бирлаштира олган ўзига хос давлатлараро тузилмадир. Бугунги кунга келиб ШҲТ ҳамжамияти улкан географик маконни қамраб олган ва сайёрамиз аҳолисининг қарийб ярмини бирлаштирган, дунёдаги энг йирик минтақавий ташкилотга айланди.

Самарқанд саммитида Ўзбекистон Президенти ШҲТнинг истиқболдаги устувор йўналишларини белгилаб берувчи 2040 йилгача ривожлантириш стратегиясини тайёрлаш ғоясини илгари сургани давлатимиз раҳбарининг узоқни кўра билиш салоҳиятини яна бир бор намоён этди. Ушбу дастуруламал ҳужжат кўп қиррали ҳамкорлигимизнинг барча йўналишларини қамраб олиши, ШҲТни узоқ муддатли ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши лозим.

Шунингдек, саммитда тобора радикализм ўсиб бораётган дунёда ёшларнинг экстремистик ташкилотларга жалб этилишига йўл қўймаслик, турли носоғлом мафкураларга қарши барқарор иммунитетни шакллантириш бўйича комплекс амалий чора-тадбирлар қабул қилиниши зарурлиги таъкидланганини ҳам бугуннинг устувор масаласи дейиш мумкин. Ўз навбатида, ёш авлодни ёт ғоялар таъсиридан асрашнинг самарали йўли уларни соғлом фикрга, замонавий таълимга жалб этишдан иборат. Шунинг учун ШҲТ саммити доирасида университет ректорлари форуми, маданият ва туризм кунлари, қўшма спорт тадбирлари ва универсиадалар сингари қўшимча форматларни таъсис этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Қолаверса, замонавий технологиялар орқали маданиятлараро мулоқотнинг рақамли платформаларини ишга тушириш ҳам келажак авлод таълим-тарбиясида ғоят муҳим аҳамият касб этади. Виртуал музейлар ва ижодий кўргазмалар, илмий видеоконференциялар каби замонавий лойиҳаларга ёшларни фаол жалб қилиш асносида халқларнинг янада яқинлашиши жадаллашади. Бу борада Ўзбекистон ҳавас қилса арзигулик тарихий маданият ва буюк меросга эга. Биз мавжуд имкониятларимизнинг ҳеч бўлмаса ярмини муносиб намойиш эта олсак, нафақат ШҲТга аъзо давлатлар, балки бутун сайёрамиз аҳлини юртимизга жалб қилиш имкони туғилади.

> Президентимиз 2023 йилни “ШҲТ маконида туризмни ривожлантириш йили” деб эълон қилишни таклиф этаркан, ўзаро туристик оқимларни кўпайтириш, соҳада қўшма дастурлар ва лойиҳаларни амалга ошириш орқали ҳамкорликни ошириш мумкинлигига урғу берди. Зеро, Самарқанд саммитида имзоланган туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим юқоридаги таклифларнинг зарур ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади.

Шу ўринда мен бир муҳим жиҳатга алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Глобал цивилизациялараро мулоқотга замин бўлган “Самарқанд руҳи” ва туғма сиёсатчи мезбоннинг оқиллиги сабабли кўп йиллардан буён адоватлашиб келаётган давлатлар раҳбарлари бир даврада жамланиб, умумий истиқбол учун мулоқотга киришди. Нафақат ШҲТ доирасидаги давлатлар истиқболига дохил бўлган, балки бутун дунё келажагига таъсир этувчи муҳим қарорлар қабул қилинди.

Фикрларимни яна “Бобурнома”дан иқтибос билан мухтасар қилмоқчиман: *“Темурбекдан илгари Темурбекдай улуғ подшоҳ Самарқандни пойтахт қилган эмас”.* Мен Бобур Мирзо фикридан илҳомланиб хулоса қиламан: *яқин тарихда Самарқанд бугунидек шон-шарафга бурканган эмас!*

ТАЪЛИМ

# ТДПУ: ТАЛАБГА МУНОСИБ ШАРОИТ

## БАРЧА САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИМИЗ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИС ТАЙЁРЛАШГА ҚАРАТИЛГАН






**Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОЕВ,**
**Тошкент давлат педагогика университети ректори**

Бошланиши 1-бетда

Ҳозир университетда 13 факультет, 52 кафедра фаолият кўрсатмоқда. 25 мингдан ортиқ талабага 1200 нафардан зиёд профессор-ўқитувчи таълим бермоқда. Талабни зиммага олгандан кейин бунча йигит-қизни аудитория, талабалар турар жойи билан таъминлаш, ўқув хоналарини замон талабида жиҳозлаш ҳам кун тартибидаги масаладир.

Куни кеча университетнинг ҳар бири 750 ўринли хорижий тиллар ҳамда табиий фанлар факультетларининг муҳташам ўқув биноси фойдаланишга топширилгани катта воқеа бўлди. Бу биноларда ёшларнинг пухта билим олиши учун барча шарт-шароит яратилган. Жумладан, махсус ускуналар билан жиҳозланган ўқув-лаборатория хоналари, турли кимёвий тажрибалар ўтказиш имконини берувчи қурилмалар талабаларнинг ўз соҳаси бўйича малакали мутахассис бўлиб етишишида муҳим аҳамият касб этади. Янги ўқув биносига кўчирилган табиий фанлар факультети учун қарийб 2 миллиард сўмлик замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари харид қилинганининг ўзиёқ ишларнинг кўлами нақадар кенглигини англатади.

Талабалар сони ортаётгани ҳамда Тошкент давлат педагогика университетига киришга талаб ошиб бораётгани сабаб айни кунларда 1000 ўринли талабалар турар жойи қурилиши бошланди. Бу иншоот Яккасарой туманида жойлашган профессионал таълим факультети ҳовлисида қад кўтаради. Бу билан чекланилмайди, албатта. Янги қурилган табиий фанлар факультети ҳовлисида 400 ўринли талабалар турар жойини қуриш ишлари шу йил 1 октябридан бошланади.

Олий таълим муассасасидаги қурилиш-таъмирлаш ишлари йилдан-йилга янгича мазмун касб этиб боряпти. Ўтган давр мобайнида университет инфратузилмаси тубдан ўзгартирилмоқда. Жумладан, ҳудудлар, ректорат ва факультет биноларига кириш жойлари ҳамда фойелар бугунги кун талаблари асосида қайта жиҳозланди. Деворлар ранги ва безаклари ўзгартирилди, ўқув ва умумий фойдаланиш майдонлари талаб даражасига келтирилди. Ўқув биноларидаги жиҳозлар инвентаризациядан ўтказилди, мебель ва жиҳозлар босқичма-босқич янгиланмоқда. Сўнгги 9 ой давомида 240 дан ортиқ замонавий компьютер харид қилинди. Талабаларнинг давоматини назорат қилиш тизимини рақамлаштириш мақсадида университет ҳудудидаги кириш жойларга face control тизими ўрнатилди.

Сўнгги йилларда қабул квоталари ошиши, оширилган тўлов-контракт асосида ўқиш истагини билдирган абитуриентлар сони кўплиги ҳамда ўқишини хориждан кўчириб келаётган талабалар ҳисобига ўқув аудиторияларига бўлган эҳтиёжни қоплаш мақсадида қатор ишлар бажарилди. Жумладан, университет ихтиёрига берилган, Тошкент туманида жойлашган 1050 ўринли ҳарбий таълим факультети ўқув биноси ва 200 ўринли талабалар турар жойи жорий таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди. Пойтахтимизнинг Яккасарой туманида жойлашган 720 ўринли мусиқа факультети ўқув биносида капитал таъмирлаш бошланди. Уни шу йил ноябрь ойида фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Шунингдек, университетда билимга чанқоқ, иқтидорли ва қобилиятли талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида 5 ташаббус хонаси, Ёшлар маркази, шахмат хонаси, бокс хонаси, “Олтин мерос” мақомчилар ансамбли, “Дилнаво” эстрада ва вокал-чолғу ансамбли, “Зиё” талабалар театр студияси ҳамда санъат, театр ва кино соҳасига қизиқувчи ёшлар учун ижодхона ташкил этилган. Уларга ҳозир 8 мингга яқин талаба жалб қилинган.

Бу саъй-ҳаракатлар Президентимизнинг шу йил 21 июндаги “Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан тадрижий тарзда амалга оширилаётган ишларнинг мантиқий давомидир. Чунки қарорда белгиланган вазифалар ижросини тўлақонли таъминлаш учун, албатта, моддий-техник имкониятларга таяниш зарур.

Қарор юзасидан университетда қилинган ишлар аҳамияти ва кўламига кўра бўлғуси кадрларни тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга. Шунга кўра, 2022/2023 ўқув йили учун таълим йўналишлари ва мутахассисликларнинг ўқув режалари ҳамда фан дастурлари мазмуни тўлиқ қайта кўриб чиқилди ҳамда халқаро талаблар асосида такомиллаштирилди. Бу жараёнда хорижий олий таълим муассасаларидан 20 нафардан ортиқ етакчи профессор-ўқитувчи, жумладан, Туркия, Жанубий Корея, Германия, Россиядаги нуфузли университетлар мутахассислари эксперт ва ҳаммуаллиф сифатида қатнашди.

Кадрлар истеъмолчилари ўртасида сўровномалар ўтказилди ҳамда сўровнома натижаларини таҳлил қилиш асносида “Медиасаводхонлик ва ахборот маданияти”, “Инклюзив таълим. Госпитал педагогика” ҳамда “Узлуксиз таълимдаги тенденциялар ва замонавий ёндашувлар” фанлари барча таълим йўналишлари учун ўқув режаларига киритилди.

Фанлардан амалий машғулотлар соати кўпайтирилди, маъруза ва семинар машғулотлари мазмуни буюртмачилар эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда замонавий ёндашув, технология, ўқитиш усулларини ёритишга қаратилди. Мажбурий фанлар блокига хорижий мутахассисларнинг таклиф ва тавсияларига асосан ҳар бир семестр учун 3 тадан 5 тагача мутахассислик фани киритилди. Ўтган ўқув йилига нисбатан мустақил таълим салмоғини ўн фоиз оширишга эришилди.

2022/2023 ўқув йилида мутахассислик фанларини хорижий тилларда ўқитиш учун 31 нафар профессор-ўқитувчи, жумладан, 15 нафар хорижлик мутахассис жалб этилмоқда. Бу ўтган ўқув йилига нисбатан университет таълим йўналишлари бўйича хорижий тилларда ўқитиладиган мутахассислик фанлари салмоғи икки баробар ошганини кўрсатади. Мутахассислик фанларини хорижий тилларда ўқитиш масаласи ўқув жараёнининг устувор вазифаларидан бўлиши, шунингдек, уларни хорижий тилларда ўрганадиган талабалар ва уларга таҳсил бераётган профессор-ўқитувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш янги босқичга кўтарилиши белгиланди.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида таълим жараёнида ижтимоий шериклик тамойилларини самарали амалга ошириш, таълим сифатини яхшилаш, такомиллаштириш ва ривожлантиришни таъминлаш, битирувчи талабаларни ишга жойлаштириш бўйича таълим муассасалари билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилганини таъкидлаш жоиз. Университетда таҳсил олаётган 2-4-босқич талабалари малакавий амалиёти Тошкент шаҳридаги 374 та таълим муассасасида “4+2” тартибида ўташи ташкил этилди. Бу саъй-ҳаракатлар малакали мутахассисларни тайёрлаш йўналишида қилинаётган ишларнинг бир қисми, холос. Олдинда бизни янги марра ва довонлар кутиб турибди.




## БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

# САМАРҚАНД ФЕНОМЕНИ



**САМАРҚАНД САММИТИ ЎЗГАРАЁТГАН ДУНЁДА ЯНГИ МАҚСАД ВА МУДДАОЛАРНИ БЕЛГИЛАБ БЕРИШДА МУҲИМ ҲАМДА ЗАРУР ПЛАТФОРМА ВАЗИФАСИНИ ЎТАДИ. БУ БИР ЖИҲАТДАН САМАРҚАНД САММИТИ ТАШКИЛОТ ФАОЛИЯТИ КЕНГАЙИШИДА ЯНГИ РАУНДНИ БОШЛАБ БЕРГАНИ БИЛАН ИЗОҲЛАНСА, ИККИНЧИ ТОМОНДАН, УМУМИЙ ХАВФСИЗЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДАГИ САМАРҚАНД БИРДАМЛИГИ ТАШАББУСИ БУТУН ДУНЁГА КЕНГ ЁЙИЛИШИГА БИЛДИРИЛГАН УМИД ВА ИШОНЧЛАР БИЛАН ЯНГИ МАЗМУН КАСБ ЭТАДИ.**



**Салим ДОНИЁРОВ**

Бошланиши 1-бетда

Саммит асносида бўлиб ўтган учрашувларда давлат етакчилари томонидан айтилган сўз ва фикрлар пешма-пеш жаҳон ахборот майдонидан жой олиб борди. ОАВ вакиллари хабар ва янгиликларни ҳаммадан олдин узатишга, биринчи манба бўлишга ҳаракат қилди. Эксперт ва мутахассислар қабул қилинган ҳужжатларнинг долзарблиги ва аҳамиятини таҳлил қилишга ошиқди. Унинг тафсилотлари ҳақида ҳали узоқ вақт ёзилади, гапирилади. Шу маънода, Самарқандда саммит феномени рўй берди, десак хато бўлмайди.

## “ИЖТИМОИЙ СИЛКИНИШ ДАВРИ”ДА ҚАЛБ БЎШЛИҚЛАРИ ТЎЛДИРИЛМОҚДА

Чингиз Айтматов ўтган аср адоғида айтган истиғфорида шундай деган эди: “*Эзгулик салгина чекинса — бас, унинг ўрнига дарҳол ёвузлик мустаҳкамланиб олади. Афсуски, биз узоқ вақт бунга аҳамият бермадик. Тирик инсон яратувчилик ва бузғунчилик, ўйлаб ва ўйламасдан қилинадиган сон-саноқсиз ҳаракатлар манбаидир. Инсоннинг ички олами ниҳоятда мураккаб ва хавфли йўл-йўлаклардан иборат. Лекин нима бўлишидан қатъи назар, қонхўрдан қонхўр туғилишини, ёвуз кимсадан ёвуз кимса туғилишини, манқуртчилик ва зомбичилик вабосини олдиндан бартараф этиш керак. Бу жамики инсониятнинг муқаддас бурчи ҳисобланади”.*

Сайёрамизда янги тартиб-таомиллар, дипломатик-сиёсий тутумлар, ўзаро ишончсизлик муҳити авж ола бошлаган йигирма биринчи асрга келиб бундай муқаддас бурчларни бажармаслик кайфияти башариятни, бутун дунёни инқироз сари етаклаш билан баробар бўлиб қолди.

Самарқанд саммитида бу ҳақда секин гапирилмади, балки бaралла айтилди. Айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз нутқида дунёда ишонч ва ўзаро бир-бирини тушуниш тақчиллиги сезилаётган, қарама-қаршиликлар ва можаролар кузатилаётган бугунги шароитда барқарорлик ва хавфсизликка нисбатан кўплаб таҳдидлар кучайгани фонида, жумладан, “*Шанхай руҳи” тамойиллари асосида бирдамлик, ўзаро қўллаб-қувватлаш ва шерикликни мустаҳкамлаш яна бир асосий вазифа ҳисобланади. Биз фақат шу йўл билангина ШҲТ минтақасида тинчлик, барқарорлик ва фаровонликни таъминлашимиз мумкин”,* деди.

Бу чорлов саммитда иштирок этган барча мамлакатлар етакчилари, халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари томонидан қизғин қўллаб-қувватланди. Бу бугун минтақалараро сайқал топаётган “Самарқанд руҳи”нинг асоси бўлди.

ШҲТнинг Самарқанд саммити натижалари ҳақида гапирганда фикрларни тизиб олиш қийин бўлади. Чунки тадбирда ўзгараётган дунёнинг янги руҳини белгилаб беришга қодир ниҳоятда муҳим ва долзарб ташаббуслар кўп бўлди, уларнинг ҳар бири ҳақида соатлаб мушоҳада юритиш мумкин. Энг муҳими, саммит тугаши ва унинг якуни бўйича имзоланган бош ҳужжат — **Самарқанд декларациясидан кейин дунёда соат сайин, кун сайин ўзаро ишонч ва бирдамлик қуввати кучайиб бормоқда.**

Буни нималарда кўриш мумкин?

**Биринчидан,** *Самарқандда бир вақтнинг ўзида 14 та мамлакат етакчиси қўл бериб кўришди. Уларга БМТ ва ШҲТ халқаро тузилмалари раҳбарлари ҳам эш бўлди.*

Шу маънода айтиш мумкинки, ўн тўрт давлат ва уларнинг саммитда иштирок этмаган бошқа дўстлари кузатувидаги ўзаро хайрихоҳлик муҳити, Самарқанд декларациясида кўзда тутилган минтақавий барқарорлик, хавфсизлик ва иқтисодий тараққиётни таъминлаш, транспорт алоқаларини мустаҳкамлаш, маданий мулоқотларни чуқурлаштириш бўйича ёндашувлар Ер шари аҳолисининг катта қисмига уйғоқ кайфият бағишлаётганига ишончимиз комил.

**Иккинчидан,** *давлатлараро, минтақалараро, табиийки, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ишонч муҳити шаклланмоқда.*

Халқимизда “Инсон қалби қуёшдан ёруғ”, “Табассум тошни эритар”, деган мақоллар бор. Меҳр ва дийдор билан боғлиқ мазкур мақоллар ҳикмати Самарқанд саммитининг маънавий қиёфасида ҳам уфуриб турди.

Мана шу муҳит кўҳна ва боқий шаҳарда қучоқ очиб, қўл бериб дийдор кўришган халқлар етакчиларининг фикри илгари сурилган мақсадлар йўлида бир жойдан чиқишига замин яратди. Демак, ШҲТ макони ягона оила каби аҳилликка, ўзаро ишонч муҳитида ривожланишга тайёр ва бу бирдамлик руҳи тобора кенгайиб бормоқда.

**Учинчидан,** *қуролли тўқнашувлар, можаролар, келишмовчиликлар исканжасида толиққан дунё халқлари тинч-тотув ривожланишга чанқоқлик сезаётган бир даврда ШҲТ маконида маданий мулоқотларга кенг йўл очилиши сайёра аҳлида катта умид уйғотмоқда.*

Сиёсат билимдонлари **“Ижтимоий силкиниш даври”,** дея таъриф бераётган ўтган асрнинг охирги чорагидан бугунги кунимизгача кузатилаётган инқирозли яшаш шароити, маънавий-маърифий фикрлашнинг, маданиятлараро мулоқот тубдан ўзгариши инсониятнинг катта қалбини ҳиссизлик уммони билан тўлдириб ташлагани бор гап. Шундай мураккаб даврда тафаккур ва маънавий юксаклик кайфияти билан йўғрилган “Самарқанд руҳи”нинг парвоз қилиши ҳам айни муддаодир.

## ЯНГИ БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ТАШАББУСКОРИ ВА АСОСЧИСИ

Дарёлар оқа бошлаган жойларига яна қайтади, деган фалсафий гапни эшитгандирсиз? Самарқанд саммити ана шу ҳаётий моҳиятни юзага чиқараётгани билан ҳам қадрли ва диққатга сазовор.

Буюк ипак йўли неча асрлар мобайнида дунёнинг тўрт томонини ўзаро боғлаган, турли цивилизацияларни, маданий мулоқотларни элтувчи коридор бўлгани ҳақида кўп гапирамиз. Лекин ўтган ҳафтадан бошлаб бу ҳақдаги қарашлар бошқа ўзанга бурилди, янги мулоҳазалар айтила бошлади.

**Ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлайди.** Президент Шавкат Мирзиёев “Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик” сарлавҳали мақоласида, жумладан, шундай долзарб фикрни илгари сурди: **“Инсониятнинг бир бутунлиги ва ўзаро боғлиқлиги шу даражада юқорики, мавжуд хатарларнинг аксарияти нафақат минтақалар, балки умумжаҳон миқёсида ҳамкорлик қилишни тақозо этмоқда”.**

Агар янги Буюк ипак йўли истиқболига мана шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, бугун ён-атрофимизда, яқину йироқда кузатилаётган зиддиятлар, қуролли, қуролсиз тўқнашувлар бош сабабчиси — давлатлар ўртасида пайдо бўлган мулоқотсизлик, ўзаро ишончсизлик муҳити эканини сезиш қийин эмас.

Демак, ўзаро боғлиқлик концепцияси бугун ҳар қачонгидан ҳам муҳим ва ҳаётий эҳтиёждир. Албатта, давлатимиз раҳбари илгари сураётган ўзаро боғлиқлик сиёсатининг маъно ва мақсадлари кенг. Бу ижтимоий-иқтисодий, геосиёсий, маънавий-маърифий, киберхавфсизлик, ёшлар сиёсати, халқларимиз учун муносиб яшаш шароити яратиш, камбағалликни камайтириш, иқлим ўзгаришига қарши биргаликда курашиш, туризм, хизматлар ва бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш каби мақсадларда акс этади.

Буларнинг барчаси бирлашиб, янги Буюк ипак йўлининг асосий концепциясини ташкил қилади.

**Тараққиётни тезлаштириб, фаровонликни таъминлайди.** Фикримизни кичик мисолдан бошлаймиз: Президентимиз ташаббуси билан Сергели туманини Тошкент ҳалқа йўли ва Яккасарой тумани билан боғлайдиган янги йўл фойдаланишга топширилганига ҳали кўп бўлмади. Лекин бугун бу йўл бўйида янги дўконлар, хизмат кўрсатиш объектлари ҳам ишга тушганини кўряпмиз. Уларнинг эгаси ким? Аввало, шу йўл бўйида яшаётган одамлар. Ва албатта, манфаатдор ҳам уларнинг ўзи. Янги йўл туфайли ўнлаб оила янги даромад манбаига эга бўлди. Шундандир, йўл қурган элда азиз, дейди халқимиз. Шу маънода, янги транспорт коридорлари пайдо бўлиши, логистика ривожланиши ШҲТ макони халқларининг турмуш фаровонлигига ҳам хизмат қилиши ойдинлашади.

Тараққиёт тезлашиши эса, аввало, янги транспорт-логистика йўналиши пайдо бўлиши билан изоҳланади: товарларни етказиш муддати сезиларли қисқаради, хавфсизлик таъминланади, янги бозорларга кенг йўл очилади, иқтисодий креативлик ошади.

**Ягона муҳитда узоқ умр кўришни кафолатлайди.** Гап шундаки, бугунги кунда озиқ-овқат хавфсизлигини, бозорларда тўкин-сочинликни таъминлаш ниҳоятда долзарб муаммога айланиб бормоқда. Самарқанд саммитида ШҲТ мамлакатларининг “ақлли” қишлоқ хўжалиги ва агроинновацияларни жорий этиш соҳасидаги ҳамкорлиги концепцияси қабул қилинишидан мақсад ҳам озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Шундай экан, янги транспорт коридорлари қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам ўзаро боғлиқликда ривожланиш имконини яратади. Бу, аввало, маҳсулотларни белгиланган манзилга ҳозиргидан кўра қисқа муддатларда етказиб бериш, шу орқали уларнинг сифатини таъминлашга хизмат қилади.



Ҳаким Йўлдошев олган суратлар.

Агар экологик вазият тобора ёмонлашиб, иқлим ўзгаришлари жиддий ўзгараётган бугунги шароитда сифатсиз, муддатидан узоқ сақланаётган, кафолатсиз озиқ-овқат истеъмолидан келиб чиқаётган турли касалликлар хавфини ҳисобга олсак, маҳсулотлар қисқа йўллар билан ўз вақтида етказиб келинишининг одамлар саломатлигига ижобий таъсирини янада чуқур англай бошлаймиз.

**Янги маънавий маконга асос солади.** Инсоният маънавий-маърифий юксалишга бугун ҳар қачонгидан ҳам кўра кўпроқ эҳтиёж сезмоқда. Сабаби, радикализм, экстремизм, турли носоғлом оқимлар пайдо бўлиши, кибержиноятчилик кўпайиши хавфсиз ахборот маконини таъминлаш заруратини юзага келтиради. Шу маънода, Буюк ипак йўлининг замонавий қиёфада тикланаётгани ўзаро маданий-гуманитар алоқаларни, маънавий юксалиш йўлидаги илғор тажрибаларни, аждодлардан мерос умумбашарий қадриятларни етказишда муҳим транзит воситасини ўтайди.

Мана шундай таърифу таҳсинга лойиқ кўрилаётган янги Буюк ипак йўлининг ташаббускори ва асосчиси сифатида Ўзбекистон ва унинг етакчиси кўрилаётгани ҳам бежиз эмас. Зеро, Самарқанд саммитида ва бошқа халқаро минбарларда Шавкат Мирзиёев транспорт-логистикани ривожлантириш, денгиз ва океанга чиқиш мақсадида муқобил темир йўллар лойиҳаларини доим илгари суриб келади. Бу, албатта, нафақат Марказий Осиё, балки ШҲТ минтақаси давлатлари учун ҳам бирдек фойдали ва жуда муҳимдир.

## ЯГОНА ОИЛА ТИМСОЛИ

Ўзбекистон 15-16 сентябрь кунлари таъбир жоиз бўлса, катта тўй ўтказди, унинг шовури бутун сайёра бўйлаб тарқалди. Бу тўйнинг довруғи, унда давлатлар, халқлар, бутун инсоният тақдири билан боғлиқ ташаббуслар, фикрлар, таклифлар янги дунё руҳига асос солишига шубҳа қолмади.

Ҳа, Самарқанд саммити ШҲТ маконининг катта байрами, шодиёнаси бўлди. Биргаликда юксалиш, ҳамжиҳатликда фаровонликни таъминлаш, ўзаро ишонч билан олий мақсадларга эришиш тўйи.

Президентимиз, унинг фидойи, салоҳиятли жамоаси, Самарқанд вилояти масъуллари ва халқи неча кунлар ухламади! Куну тун ишлади: бутун бошли афсонавий боқий шаҳар бунёд этилди, минглаб меҳмонларни кутиб олиш учун энг майда деталлардан протокол даражасидаги тартиб-таомилларгача тўкис бажарилди. Минглаб кўнгилли ёшлар, таржимонлар сидқидилдан ишлади. Ҳар бир меҳмон учун алоҳида автомобиль ва ҳамроҳлар белгиланди. Йўлларда хавфсизликни таъминлаш учун қўшни вилоятлардан ҳам йўл-патруль хизмати ходимлари жалб этилди. Миллий гвардия, ички ишлар ва бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари кечаю кундуз ухламади. Фаррошлар меҳнати туфайли шаҳар чиннидек тозалигини йўқотмади, ҳар доимгидан ҳам ўзгача фусункорлик касб этди. Энг муҳими, Самарқанд аҳли уларни доим қўллаб турди.

Бу меҳнатлар бесамар кетмади. ШҲТ саммити якунига етиши билан дунёда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва халқимизнинг феномени мутлақо янгича руҳ билан яна қайта намоён бўлди.

Аввало, **дунё жамоатчилиги Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевни минтақавий ва минтақалараро муҳим масалалар ижобий ечим топишига хизмат қилаётган давлат арбоби, нуктадон сиёсатчи ва моҳир дипломат сифатида яна бир бор ҳавас билан тан олди.**

Ўзбекистон ўзини минтақавий йирик давлат сифатида намоён этди.

Халқимиз феномени эса “Янги Ўзбекистон орзуси”, “Буюк ўзбек йўли” шукуҳида дунёга тинчликни соғинувчи, азалий дўстлик, аждодлар хотирасига буюк эҳтиром, ўзгараётган дунё фонида фақат эзгу ва олий мақсадлар сари интилувчи, аҳил қўшничиликни қадрловчи ягона оила тимсолида бўй кўрсатди.

## “САМАРҚАНД РУҲИ” БИЛАН УЙҒУН ЭЪТИРОФЛАР

Куни кеча **Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин** Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга миннатдорлик мактуби йўллади. Унда Хитой етакчиси мамлакатимизга давлат ташрифи ва Самарқанд саммити муваффақиятли якунлангани учун давлатимиз раҳбарига, Ҳукуматимизга ва Ўзбекистон халқига самимий миннатдорлик билдириб, жумладан, шундай дейди: “*Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити улкан муваффақият қозонди ҳамда Ташкилотнинг соғлом ва барқарор тараққиётига хизмат қилишда тарихий аҳамият касб этди. Хитой Ўзбекистоннинг самарали раислигини ва Ташкилот ривожига қўшган муҳим ҳиссасини юксак қадрлайди. Биз Ўзбекистон ва бошқа аъзо давлатлар билан “Шанхай руҳи”ни фаол илгари суриш ҳамда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг янада кенг ривожланишига кўмаклашиш мақсадида Самарқанд саммитининг бирдамлигини рўёбга чиқаришга тайёрмиз”.*

Ўз навбатида, *“Меҳмондўстлик ва профессионаллик учун раҳмат”,* деди **Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин** Самарқанд саммитидан қайтар чоғида.

**Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди** “Twitter”даги саҳифасида *“ШҲТ саммитида самарали икки ва кўп томонлама учрашувлар олиб бордик. Ўзбекистон халқи ва ҳукуматига меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдираман”,* дея ўзбек тилида лутф қилди.

**ШҲТ Бош котиби Чжан Мин** эса Самарқанд саммитини бундай эътироф этди: “*Саммитни ўтказиш учун танланган манзил — Самарқандда қадимийлик ва замонавийлик уйғун эканини кўряпмиз. Пандемиядан кейин барча аъзо давлатлар етакчилари, мулоқот бўйича шериклар ва бошқа олий мартабали меҳмонлар илк бор бир ерга жамланди. Бунинг учун Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби олийларига алоҳида миннатдорлик билдираман. Чунки саммитга тайёргарлик жараёни Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари ва бевосита назорати билан такомилига етгани бизга яхши маълум”.*

Саммит тафсилотларини ёритиш жараёни ҳам рекорд натижаларни қайд этди. Масалан, 1-18 сентябрь кунлари оралиғида дунё оммавий ахборот воситалари телеграм саҳифаларида ШҲТ Самарқанд саммитига доир 51 мингдан ортиқ пост қолдирилди. Ушбу хабар ва мақолалар 340 миллиондан ортиқ фойдаланувчиларни қамраб олган. Бу жараён ҳали давом этмоқда.

Бу ҳам Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг нуфузи ва обрўси тобора юксалиб бораётганидан далолат беради. Дарвоқе, француз нашри “*ШҲТни БМТдан кейин энг йирик халқаро тузилма”,* дея эътироф этди.

Яна шуни айтиш жоизки, хорижлик экспертлар Самарқанд саммитининг муваффақиятли ўтганини *“Президент Шавкат Мирзиёевнинг катта ғалабаси бўлди”,* дея баҳоламоқда.

Бир сўз билан айтганда, Самарқанд саммити ўзгараётган дунёда янги мақсад ва муддаоларни белгилаб беришда муҳим ҳамда зарур платформа вазифасини ўтади. Бу бир жиҳатдан Самарқанд саммити Ташкилот фаолияти кенгайишида янги раундни бошлаб бергани билан изоҳланса, иккинчи томондан, умумий хавфсизлик ва фаровонлик йўлидаги Самарқанд бирдамлиги ташаббуси бутун дунёга кенг ёйилишига билдирилган умид ва ишончлар билан янги мазмун касб этади.



ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ

**АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ, ТУРМУШ ТАРЗИ УЧУН МУҲИМ БЎЛГАН ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАРГА АЖРАТИЛАЁТГАН МАБЛАҒЛАР БЕВОСИТА СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРНИНГ ТАКЛИФЛАРИ АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАНИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИНИ ХОЛИС ВА ШАФФОФ, АНИҚ МАҚСАДЛАР САРИ ЙЎНАЛТИРИШ ИМКОНИЯТИНИ БЕРМОҚДА.**

OpenBudget
O'zbekiston Respublikasi "Ochiq Budjet" Portali

# ҲАМЖИҲАТЛИККА АСОСЛАНГАН ХОЛИС ВА ШАФФОФ ТИЗИМ

**Кенг жамоатчиликнинг фаоллиги натижасида “Ташаббусли бюджет” жараёнлари доирасида аҳолини кўп йиллардан бери қийнаб келаётган ижтимоий муаммоларнинг ижроси таъминланяпти. Уларнинг самараси туфайли маблағлар манзилли сарфланмоқда. Энг муҳими, бу лойиҳа одамларни мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳамжиҳатликда, холис ва шаффоф тарзда ҳал этишга имкон берувчи самарали тизимга айланиб бормоқда.**

Бошланиши 1-бетда

Молия вазири Тимур Ишметовнинг қайд этишича, “Ташаббусли бюджет”-нинг иккинчи мавсумида фуқаролар томонидан илгари сурилган лойиҳалар мамлакат бўйича 9 минг 201 та маҳаллани, яъни 98 фоизини қамраб олди. Жараёнда 7 миллиондан ортиқ овоз берилди. Шундан 4,3 миллион овоз тўплаган 1 минг 418 та лойиҳа ғолиб бўлди. Уч мавсум давомида билдирилган 100 мингдан ортиқ таклифлар аҳолининг энг долзарб муаммоларини ўрганишга ёрдам берадиган “очиқ маълумотлар базаси”ни шакллантирмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг аҳоли билан бамаслаҳат қилинадиган лойиҳалар кўламини кенгайтиришга доир топшириқларига асосан, “Ташаббусли бюджет” платформаси фаолияти янада такомиллаштириб борилади.

Ҳақиқатан шундай. Бу тизим эндиликда, наинки туман ва шаҳар даражасида, балки маҳаллалар кесимида ҳам лойиҳалар ижросини таъминлаш, мавжуд муаммоларнинг ҳал этилишида фаол иштирок этган ёки умуман лойиҳалар илгари сурилмаган масканлар рўйхатини шакллантиришда қўл келади. Масалан, жорий йилнинг иккинчи мавсумида лойиҳаларнинг 32 фоизи ички йўлларни (пиёдалар йўлакчаси, йўл ўтказгичлар) таъмирлаш, 13 фоизи умумтаълим мактабларини таъмирлаш ёки жиҳозлаш, 12 фоизи эса кўча чироқларини ўрнатишга доир ташаббусларни қамраб олган эди.

24 августдан 17 сентябргача давом этган овоз бериш жараёнида эса ижтимоий йўналишлар салмоғи анчайин ўзгарди. Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган дастлабки маълумотлар мамлакат бўйича ғолиб деб топилган 1 минг 418 та лойиҳанинг 463 таси умумтаълим мактабларини, 343 таси ички йўлларни, 168 таси соғлиқни сақлаш, 103 тасини мактабгача таълим ташкилотларини таъмирлаш, 63 таси ичимлик сув ва оқова тизимини яхшилаш, 33 таси кўча чироқларини ўрнатиш, 247 тасини бошқа тадбирлар ташкил этганини кўрсатмоқда.

Энг муҳим жиҳати, овоз бериш жараёнида мамлакатимизда яшовчи жами аҳолининг 22 фоизи иштирок этган бўлса, бу кўрсаткич Фарғона вилоятида 33 фоиз, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм, Сирдарё, Наманган вилоятларида 25-26 фоиз атрофида бўлганлиги одамларнинг долзарб муаммоларни ҳал этиш йўлидаги ҳамжиҳатлиги ошаётганлигини яққол намоён этди, десак, ҳеч бир янглишмаган бўламиз.

Шу боис, “Ташаббусли бюджет”га овоз беришнинг дастлабки натижалари эълон қилиниши билан ғолиблар қаторида бўлган маҳаллаларда бу ҳолат ўзига хос байрамга айланиб кетди. Экспертларнинг фикрича, бу халқни ўз шахсий манфаатлари учун эмас, балки жамоат манфаатлари учун бир мақсад йўлида бирлашишга ўргатган лойиҳа бўлиб тарихга киришидан ҳам далолат беради.

## Аҳоли фаоллиги ошмоқда

Фарғона вилояти Данғара туманидаги “Санам” маҳалла фуқаролар йиғини Эски шилдир қишлоғидаги ички йўлларни таъмирлаш, транспорт ва аҳоли ҳаракати учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасида қилган мурожаатлари йиллар давомида эътибордан четда қолиб келди. Чорак асрдан буён таъмирланмаган кўчалар ёзда чанг, ёғингарчилик кунларида лойга ботиб кетарди. Фуқаро Ҳамдамжон Дўлановнинг мавжуд муаммоларни бартараф этиш борасида билдирган таклифи “Ташаббусли бюджет” порталига жойланиб, республика бўйича энг кўп — 49 минг овоз тўплаб, ғолиб деб топилди. Лойиҳага кўра, умумий ҳажми 3 километр бўлган ички йўлларни таъмирлашга 1 миллиард сўм атрофида маблағ йўналтирилиши кўзда тутилган.

— Бу жараёнда маҳалламиз аҳли бир мақсад йўлида бирлашди, ҳамжиҳат бўлди, — дейди лойиҳа ташаббускори Ҳамдамжон Дўланов. — Энг муҳими, аксарият аҳоли оддий қишлоқда йиллар давомида ечимини кутиб турган масаланинг ҳал этилишига ўз муносабатини билдириб, бизни қўллаб-қувватлади. Ички йўлларни таъмирлаш борасидаги таклиф билан аввалги танловда ҳам иштирок этганмиз. Лекин керакли миқдорда овоз тўплай олмаганмиз. Шу боис, Президентимиз ташаббуси билан кундалик ҳаёт тарзимиз учун керакли бўлган масалалар ечимида бевосита фуқароларнинг иштироки, фаоллиги юзасидан тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борганимиз ўз самарасини берди.

Ҳар бир маҳалланинг ўзига хос катта-кичик муаммолари бор. Ички йўлларни таъмирлаш, ичимлик сув тортиш, электр ва газ таъминотини яхшилаш, мактаб, боғча моддий-техник базасини мустаҳкамлашдек масалалар ҳамиша долзарб бўлиб келган. Қолаверса, аҳоли кундалик ҳаёт тарзи билан боғлиқ масалалар ечимига ажратилган маблағлар ўз манзилига тўлиқ етиб бормаслиги, бу масалада жамоатчилик иштироки ва назоратининг йўқлиги ўзига хос муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлаётганди. Энди бу муаммоларга ечим топилди.

— Маҳалламиздаги Гулибой, Эски шилдир ва Кунчибой қўрғонча қишлоқларида 4 минг 377 нафар аҳоли яшайди, — дейди “Санам” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Насибахон Содиқова. — Ўтган йили бўлиб ўтган ”Ташаббусли бюджет” лойиҳасида Гулибой қишлоғидаги ички йўлларни асфальтлаш борасида билдирган таклифимиз энг кўп овоз олиб, ғолиб бўлган. Бу ишлар учун 1 миллиард сўм маблағ ажратилиб, умумий узунлиги 4 километр бўлган ички йўллар тўлиқ асфальтланди. Кенг ва равон кўчалар одамлар узоғини яқин, оғирини енгил қилди. Эътиборли жиҳати, одамлар ўз ҳаёт тарзи учун муҳим бўлган масалалар ечимида ҳар жиҳатдан фаол бўляпти, янги ташаббусларни илгари суряпти, қўллаб-қувватлаяпти.





“Ташаббусли бюджет”га ажратилаётган маблағлар ҳажми вилоятда кундан-кунга ортиб бормоқда. Жорий йилнинг февраль-март ойларида ўтказилган биринчи мавсум жараёни учун маҳаллий бюджет ҳамда қўшимча манбалар ҳисобидан 115,4 миллиард сўм, шунингдек, Президентимизнинг 2022 йил 8 апрелдаги “Туман ва шаҳар бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш жараёнларида фуқароларнинг иштирокини янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги қарорига асосан, қўшимча 21,2 миллиард сўм маблағ ажратилди.

— Лойиҳанинг иккинчи мавсуми натижалари учун жами 116,1 миллиард сўм маблағ йўналтирилиши белгиланган, — дейди вилоят молия бошқармаси бўлим бошлиғи Ҳайитбой Хайруллаев. — Унда жамоатчилик томонидан илгари сурилган таклифларнинг 2 минг 709 таси овоз бериш босқичига ўтказилиб, ушбу таклифларга жами 1 миллион 282 минг 661 та овоз тўпланди. Энг кўп овоз тўплаган 126 та лойиҳа ғолиб деб топилди. Булар ички йўллар, умумтаълим мактабларини таъмирлаш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ичимлик сув ва оқова сув тизимини яхшилаш, соғлиқни сақлаш, болалар майдончалари, аҳоли дам олиш масканлари барпо этиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ҳамда қонун ҳужжатлари билан белгиланган мезонларга мувофиқ ғолиб бўлган бошқа таклифлардан иборат.

“Ташаббусли бюджет” жараёнида аҳолининг иштирок этиш кўрсаткичи бўйича Данғара туманида энг юқори натижа қайд этилди. Бу ерда умумий аҳолининг 84 фоизи мазкур жараёнда иштирок этган. Бу кўрсаткич Ўзбекистон туманида 48, Риштон туманида 44, Фурқат туманида 43 фоизни ташкил этади. Бундан кўринадики, вилоят аҳолиси ўз маҳалласига, қолаверса, бюджет маблағларининг тақсимланишига бефарқ эмас. Аксинча, уларнинг бу жараёнга бўлган ишонч ва қизиқишлари кундан-кунга ортиб бормоқда.

Сирасини айтганда, аҳоли фаровонлигини ошириш, турмуш тарзи учун муҳим бўлган ижтимоий-иқтисодий масалаларга ажратилаётган маблағлар бевосита солиқ тўловчиларнинг таклифлари асосида амалга оширилаётгани маҳаллий бюджет маблағларини холис ва шаффоф, аниқ мақсадлар сари йўналтириш имкониятини бермоқда.

## Долзарб муаммолар ҳал этиляпти

Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманларида ҳам аҳоли ўз ҳудудидаги муаммоларни “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси ёрдамида ҳал этишда фаоллик кўрсатмоқда. Бугунги кунда мазкур лойиҳа бевосита давлат молия тизими билан боғланган ва айни кезда ҳудудий молия сиёсатининг объектига айланган. Бу, ўз навбатида, фуқаролар манфаати ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмлари асосида бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш воситаси ҳисобланади.

“Ташаббусли бюджет”нинг жорий йилдаги иккинчи мавсуми якуни бўйича Қорақалпоғистон Республикасида жами 96 та ташаббус ғолиб деб топилган. Ғолиблар қаторидан Беруний туманида илгари сурилган 62 та ташаббусдан 5 таси ўрин эгаллашга муваффақ бўлди. Жумладан, касб-ҳунар мактаби биносини таъмирлаш, 2- ва 13-умумтаълим мактабларига қўшимча бинолар қуриш, 69-умумтаълим мактабининг атрофини ўраб турувчи девор тиклаш ва 47-умумтаълим мактабининг иситиш тизимини таъмирлаш бўйича ишлар амалга оширилади.

— Навоий номидаги овул фуқаролар йиғинимизда 647 нафар аҳоли яшайди. Маҳалламиздаги мактабимиз 624 ўринга мўлжалланган, — дейди 47-умумтаълим мактаби директори Шарифа Эгамбердиева. — Ўқув муассасамиз 2009 йилда капитал таъмирдан чиққан, лекин иситиш тизимидаги камчиликлар боис, анча йиллардан буён қийналиб келаётган эдик. Мактабимизнинг иситиш тизимини таъмирлаш бўйича таклифимиз 469 та овоз билан ғолиб деб топилди. Унга кўра, мактабимиз учун 800 миллион сўм маблағ ажратиладиган бўлди. Биз бундан жуда хурсандмиз. Овоз бериш жараёнида ташаббус кўрсатганларга ўз миннатдорлигимизни билдирамиз.

Аҳоли неча йиллардан буён ўзларини қийнаб келаётган у ёки бу ижтимоий муаммони ҳал этиш бўйича лойиҳада ўз таклифлари билан қатнашмоқда. Жумладан, ҳудуд инфратузилмасини яхшилаш, ичимлик сув билан таъминлаш, кўчаларга тунги ёритгичлар ўрнатиш, мактабларни таъмирлаш ва жиҳозлаш сингари масалаларни кўтариб, уларни ҳал этишга эришяпти. Масалан, Мўйноқ туманида мавжуд муаммоларни бартараф қилиш бўйича илгари сурилган 160 та таклифдан 5 таси ғолиб бўлди. Шунга мувофиқ, эндиликда 3-умумтаълим мактабининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун 450 миллион сўм, болалар ва ўсмирлар спорт мактабини мебель жиҳозлари ва компьютер техникалари, 5-умумтаълим мактабини компьютер жамланмалари билан жиҳозлашга 100 миллион сўм маблағ йўналтирилади. Ушбу таклифлар фуқароларнинг фаоллиги туфайли амалга оширилмоқда.



— Маҳалламиз аҳолисини ичимлик сув масаласи қийнаб келар эди, — дейди “Мадели” овул фуқаролар йиғини раиси Қошқарбай Сейдуллаев. — “Қорақалпоқсувтаъминот” масъулияти чекланган жамияти Мўйноқ туман филиалида жойлашган сувни чучуклантирувчи станцияга 8 дона сувни тозаловчи фильтр ўрнатиш бўйича 50 миллион сўм маблағ ажратиладиган бўлди. Ушбу муаммо аҳолимизнинг ташаббуси туфайли ҳал этилмоқда.

Ана шу мисоллар ҳам аҳолини ташаббусли бюджетлаштириш жараёнига жалб этишнинг янги механизми ҳудудлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш борасида самарали воситага айланаётганини кўрсатади.

## Юртни обод, ҳамжиҳатликни намоён этаётган лойиҳалар

Маълумки, “Ташаббусли бюджет” учун ажратилаётган маблағлар катта лойиҳаларни молиялаштиришни кўзда тутмайди. Айтайлик, бир маҳаллада болалар боғчасини ёки мактабни таъмирлаш зарур бўлса, бошқасида кўчани ободонлаштириш, яна бирида ичимлик сув билан таъминлаш муҳим. Шу боис, давлат бюджетини шакллантиришда уларнинг барчасини эътиборга олиш мушкул. Лекин муайян платформа орқали одамлар учун оғир масала зарурлик даражасига қараб ечим топиши, бунга маҳаллий бюджетнинг муайян қисмини фуқаролар истагига кўра ишлатиш орқали эришиш мумкин.

Ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш мақсадида “Очиқ бюджет” ахборот портали ишга туширилди. Бу портал муаммолар айнан одамларнинг ташаббуслари асосида ечимини топиш имкониятини яратишга асосланган. Улар томонидан маълум бир таклиф илгари сурилар экан, у жамоатчиликка очиқ тақдим этилади. Ҳар бир ҳудудда энг кўп овоз тўплаган таклифлар ғолиб деб топилади ва манзилли молиялаштирилади. Жараёнда вояга етган ҳар бир фуқаро иштирок этиши мумкин.

Жорий йилдан бошлаб “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси йилига икки марта ўтказиладиган бўлди. Биринчи мавсум февраль ойидан 2 апрелга қадар давом этиб, фуқаролар унда ўта фаол иштирок этди. Агар 2021 йили 1 миллион 150 мингга яқин овоз берилган бўлса, шу йилнинг дастлабки босқичида ушбу кўрсаткич қарийб олти баробарга ошди.

Яна бир муҳим жиҳати, ўтган йили 41 мингта таклиф билдирилган бўлса, бу йилги биринчи мавсумда улар сони 69 минг 700 дан зиёд бўлди. Энг кўп овоз олган 2 минг 215 таклиф ғолиб деб топилди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 7 апрелдаги “Туман ва шаҳар бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш жараёнларида фуқароларнинг иштирокини янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги қарорига асосан, шу йилнинг февраль-март ойлари давомида ўтказилган “Ташаббусли бюджет” жараёнида фуқароларнинг фаол иштироки қайд этилгани ҳолда, ғолиб деб топилган лойиҳаларга қўшимча ҳар бири 2 мингдан ортиқ овоз тўплаган, лекин ғолиб деб топилмаган 139 та лойиҳани амалга ошириш учун республика бюджетидан 85,4 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Президентимиз шу йил 4 август куни давлат хизматини ислоҳ қилиш ва бошқарувда натижадорликни ошириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси ҳақида тўхталар экан, “Бизнинг тажрибамизда бу ҳам биринчи марта ва жуда катта ижобий натижа беряпти. Одамлар шу жараёнларда бевосита ўзлари иштирок этяпти. Бундай лойиҳалар учун яна 1 триллион сўм беришни мўлжал қилганмиз. Энг муҳими, одамлар бундай лойиҳаларга дахлдор бўлиб, бунёд қилинган инфратузилмадан фахрланиб, уларни асраб-авайлаб фойдаланяпти”, дея алоҳида эътироф этди.

“Ташаббусли бюджет” лойиҳасининг иккинчи мавсуми бошланишидан аввал ушбу жараённи тартибга солиш ва жойларда кузатилган айрим камчилик ҳамда англашилмовчиликларнинг олдини олиш мақсадида Олий Мажлис Сенати кенгашининг 2022 йил 30 июндаги қарорига мувофиқ, намунавий низомнинг тегишли бандларига тузатиш ҳамда қўшимчалар киритилди.

Бундан ташқари, иккинчи мавсум бошланиши олдидан “Очиқ бюджет” ахборот порталида ҳам бир қатор техник ишлар амалга оширилди. Лойиҳаларни илгари суриш ҳамда овоз бериш жараёнлари такомиллаштирилди, унинг шаффоф ҳамда ҳаққоний ўтказилишини таъминлаш мақсадида қўшимча функциялар татбиқ этилди. Хусусан, янги мавсумдан бошлаб лойиҳаларни илгари суришда эндиликда фуқаролар ўзлари яшаб истиқомат қилиб келаётган ҳудуд (туман ёки шаҳар)га қўшимча равишда маҳалла фуқаролар йиғинини ҳам танлашлари ва унинг номини киритишда аввалдан шакллантирилган рўйхат ичидан тегишли соҳани танлашлари лозим бўлади.

Ўтган давр мобайнида фуқаролар томонидан турли хил телефон рақамлари билан порталдан рўйхатдан ўтиб, “фойдаланувчилар” захирасини шакллантириш ва кейинчалик ушбу аккаунтларни ишга солиш асосида сунъий равишда овозлар сонини кўпайтириш ҳолатлари кузатилган эди. Уларнинг олдини олиш ва жараённинг ҳаққоний ўтказилишини таъминлаш мақсадида овоз бериш имконияти фақатгина СМС хизмати орқали амалга оширилиши ва рўйхатдан ўтган фойдаланувчилар томонидан овоз берилишида ҳам уларнинг телефон рақамларига юборилган СМС-хабарнома билан амалга оширилиши йўлга қўйилди. Бунда, барча овозлар “реал-вақт” кўринишида амалга оширилиб, ҳақиқатан амалда бўлган телефон рақамлар орқали овоз берилишига эришилади.

Таклифларнинг кўпчилигини маҳаллий йўл ва кўчаларни таъмирлашга қаратилган лойиҳалар ташкил қилганлиги сабабли “Менинг йўлим” лойиҳаси ҳам ишга туширилди. Унга асосан, туман ва шаҳарлар бюджетлари параметрларида ҳудудий ички йўлларни таъмирлаш учун ажратиладиган маблағларнинг камида 50 фоизи “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида аниқланган йўлларнинг таъмирланишига йўналтирилади. Бу тизим “Ташаббусли бюджет” жараёнларидан фарқли равишда ҳар йили бир маротаба ўтказилади. Жорий йилда бу бўйича фуқаролар томонидан 9 минг 212 та таклиф келиб тушди. Уларни амалга оширишга 136,3 миллиард сўм йўналтирилди.

Кенг жамоатчиликнинг фаоллиги натижасида “Ташаббусли бюджет” жараёнлари доирасида аҳолини кўп йиллардан бери қийнаб келаётган ижтимоий муаммоларнинг ижроси таъминланяпти. Уларнинг самараси туфайли маблағлар манзилли сарфланмоқда. Энг муҳими, бу лойиҳа одамларни мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳамжиҳатликда, холис ва шаффоф тарзда ҳал этишга имкон берувчи самарали тизимга айланиб бормоқда.

**Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
Расулжон КАМОЛОВ,
Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбирлари**

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

НУҚТАИ НАЗАР

# ДУНЁ ТАРҚОҚ ЭМАС, ЯХЛИТ, ЖИПС ВА БЎЛИНМАС




**Тарихий Самарқанд шаҳри мезбонлик қилган йирик анжуман — ШҲТ саммити рекорд даражадаги ҳамкорлик шартномалари имзоланганидан ташқари, юқори савияда ташкил қилингани билан ҳам ёдимизда қолди.**
**Тадбирда Тошкент давлат шарқшунослик университетининг бир гуруҳ талаба-ёшлари ўзаро мулоқот ва учрашувларда, матбуот марказидаги тадбирларда хитой, ҳинд, турк ва бошқа тиллардан таржимонлик фаолиятини олиб борди.**
**Қуйида университет қошидаги “Шарқшунос таҳлилчилар” интеллектуал клуби аъзоларининг йирик сиёсий тадбир якунларига муносабат тарзида билдирган фикрлари билан танишасиз.**

## МИНТАҚАВИЙ ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТИМСОЛИ

**Озода АБДУЛЛАЕВА,**
**Тошкент давлат шарқшунослик университети талабаси**



Хавфсизлик ва иқтисодий ҳамкорликнинг мустаҳкам шакли туфайли ШҲТ бутун дунё бўйлаб катта қизиқиш уйғотди. Яқин Шарқ ва Жануби-Шарқий Осиёнинг қатор давлатлари мулоқот бўйича ҳамкорлар, кузатувчилар ва аъзолар сифатида қўшилиш учун саф тортаётгани ва ШҲТнинг географик қамрови кенгайиши ташкилот фаолияти самарадорлигининг яна бир тасдиғидир.

Бугун жаҳондаги айни вазият асосида вужудга келган глобал ва минтақавий муаммолар дунё давлатлари ва халқлари ўртасида ўзаро ишонч, дўстлик ва ҳамкорлик сусайишига сабаб бўлмоқда. ШҲТ эса ўзининг азалий “тенглар ичра тенг” тамойили билан ҳам шу ишонч ва дўстлик тимсолига айланиб улгурди.

**Айниқса, ШҲТнинг Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги саммити кўплаб муаммолар қаршисида турган, аммо ҳамкорликка тайёр давлатларни бир давра атрофида бирлаштирди. Шу билан бирга, Эроннинг ШҲТга аъзо давлат мақомини олиш учун мажбуриятлари тўғрисидаги меморандум, ҳар тарафлама муҳим масалаларни ўз ичига олган Самарқанд декларацияси Ўзбекистон ташқи сиёсати ва дипломатиясининг ютуғидир.**

## ЎЗАРО МАНФААТЛИ АЛОҚАЛАР РИВОЖЛАНМОҚДА

**Сардор РАҲИМОВ,**
**Тошкент давлат шарқшунослик университети талабаси**

Самарқанд саммити ШҲТга аъзо барча давлатлар учун самарали бўлди. Унда рекорд даражада ҳужжатлар имзоланди. Хусусан, аъзо давлатлар етакчилари ШҲТнинг муҳим глобал ва минтақавий муаммолар бўйича умумий позицияси баён этилган Самарқанд декларациясини қабул қилди. Бундан ташқари, улар иқлим ўзгариши, озиқ-овқат, энергетика хавфсизлиги ва ишончли халқаро таъминот занжирларини сақлаб қолиш тўғрисидаги баёнотларни ҳам қабул қилди.

Покистон учун ШҲТ минтақавий хавфсизлик ва янги савдо-иқтисодий лойиҳаларни татбиқ этишда муҳим манфаатлар олиб келадиган тузилма ҳисобланади. У Жанубий Осиё минтақавий хавфсизлик тизимида, хусусан, Афғонистондаги вазият ҳамда Кашмир муаммосини ҳал этиш борасида алоҳида ўрин эгаллайди. Покистон нафақат Россия ёки Хитойнинг, балки Марказий Осиё давлатларининг турли минтақавий транспорт лойиҳалари орқали Жанубий Осиё бозорларига киришида дарвоза вазифасини бажаради.



Покистон 2018 йилдан иқтисодий мустақиллик сиёсатини жиддий амалга ошира бошлади. Бу ҳолат Покистонни минтақа ва жаҳон билан ижобий алоқаларни доимий сақлаб туришини англатар эди. Ҳозирги иқтисодий ўзгаришлар шароитида ШҲТ доирасидаги лойиҳалар Покистон учун ниҳоятда жозибали. Хусусан, “Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар” темир йўли, “Хитой — Покистон” иқтисодий коридори, TAPI газ қувури ҳамда CASA 1000 электр энергияси лойиҳалари Исломобод ташқи сиёсий манфаатларини ўзида мужассам этади.

Покистоннинг Самарқанд саммитидаги иштироки эса бир неча омилларга кўра алоҳида эътиборга молик. Хусусан, Бош вазир Шаҳбоз Шариф ШҲТ доирасида илк бор музокараларда қатнашди. Унинг раҳбарлигида янги ҳукуматнинг ташкилотдаги ёндашувлари кўпчилик учун қизиқ бўлди. Бош вазирнинг саммитдаги баёнотида глобал сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар шароитида ШҲТнинг стратегик йўналиши бўйича қарашлар, жумладан, Покистоннинг ШҲТ низоми тамойиллари ва мақсадларига ҳамда “Шанхай руҳи”га содиқлиги тасдиқланди. Шаҳбоз Шариф сув тошқинидан жабр кўрган аҳолига ёрдам беришда ШҲТ давлат раҳбарлари томонидан кўрсатилаётган ёрдам учун чуқур миннатдорлик билдирди.

Бундан ташқари, Самарқанд саммитида иштирок этиш миллий, минтақавий ва глобал муаммоларга Покистон нуқтаи назарини тақдим этиш учун имконият яратди. Бинобарин, ШҲТ саммити доирасида Покистон Бош вазири Хитой, Россия, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Эрон, Озарбайжон, Беларусь ва Туркия раҳбарлари билан қатор учрашувлар ўтказди.

Покистон Ташқи ишлар вазирлигининг маълум қилишича, Бош вазир Шаҳбоз Шарифнинг Самарқандда йиғилган жаҳон етакчилари билан ҳар томонлама мулоқоти ушбу давлатлар ўртасидаги икки томонлама муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилди.

**ШҲТ очиқлик ва блокларга қўшилмаслик тамойилларига қатъий содиқлиги туфайли иштирокчи мамлакатлар ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни мустаҳкамлаб, минтақалараро ҳамкорликни муваффақиятли тарзда ривожлантирмоқда. Ташкилот таркиби кенгайиб, шериклик муносабатлари янги босқичга кўтарилмоқда. Дарҳақиқат, “Шанхай руҳи” тамойиллари асосида бирдамлик, ўзаро қўллаб-қувватлаш ва шерикликни мустаҳкамлаш орқали минтақада тинчлик, барқарорлик ва фаровонликни таъминлашга катта ҳисса қўшилади.**

## ГЛОБАЛ ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ ОСИЁГА КЎЧЯПТИ

**Суҳроб БЎРОНОВ,**
**сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)**



Самарқанд бепоён Евроосиё маконидаги энг йирик тадбир — Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммитига мезбонлик қилди. Бу саммит аввалгиларидан нафақат пандемиядан сўнг давлатлар раҳбарлари илк марта юзма-юз музокаралар ўтказгани, балки жаҳондаги вазият борган сари чигал тус олаётган, дунёни бўлишга уринишлар авжига чиқаётган бир шароитда глобал кун тартибидаги масалаларни муҳокама этган платформага айлангани билан ҳам алоҳида ажралиб туради.

Таҳлилчилар ШҲТнинг тобора глобал тузилмага айланиб бораётганини эътироф этмоқда. Шу жиҳатдан айтиш мумкинки, глобал тараққиёт мезонлари аста-секин Осиёга кўчяпти. Американинг Mckinsey глобал институти тахминларига кўра, 2050 йилга бориб дунё ялпи ички маҳсулотининг 50 фоизи Осиё давлатлари ҳиссасига тўғри келади. Бугун ШҲТга аъзо давлатларнинг дунё ЯИМдаги улуши қарийб 25 фоиздир. ШҲТда БМТ Хавфсизлик кенгашининг Хитой ва Россия сингари доимий аъзолари борлиги, ҳозирги кунга келиб, дунёнинг бешинчи иқтисодий ривожланган давлатига айланган Ҳиндистоннинг ҳам ташкилот аъзоси экани унинг халқаро нуфузини белгилаб беради.

Самарқанд рамзий маънода дунё тарқоқ эмас, яхлит, жипс ва бўлинмас, дея даъват этмоқда. Бундай ёндашув Ташкилот мақсадларида кўзда тутилган ўзаро тенглик, ишонч, ҳамкорлик ва бошқа тамойилларга тўла ҳамоҳангдир. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Ҳар биримиз кучли бўлсаккина ШҲТ кучли бўлади”.

ШҲТнинг Самарқанд саммити дунёни қандайдир блоклар ёки гуруҳларга ажратиш эмас, балки мулоқот ва ўзаро ишончли ҳамкорлик муҳитини яратиш, ШҲТ Хартияси қоидаларига тўлиқ амал қилиш зарурати, минтақавий ҳамда глобал кун тартибидаги долзарб муаммоларни ўзаро муроса орқали ҳал этишга чорламоқда.






Ҳаким Йўлдошев олган суратлар.

## ШҲТ МАКОНИНИНГ АЖРАЛМАС БЎЛАГИ

**Хуршид СУЛТОНОВ,**
**Тошкент давлат шарқшунослик университети талабаси**



Замонавий халқаро муносабатларда қарама-қаршилик ва можаролар кузатилаётган бугунги кунда барқарорлик ва хавфсизликка таҳдидлар ортиб бораётир. Бундай тўсиқларни халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда бартараф этиш ҳар бир давлатнинг устувор мақсадларидан бирига айланди. Мазкур ҳамкорлик ва ишонч муҳити муаммоларга ечим топибгина қолмай, уларнинг нуфузи ва аҳамияти сезиларли даражада ошишига туртки бўлади. Ҳозир шундай нуфузга эга ташкилотлардан бири, шубҳасиз, Шанхай ҳамкорлик ташкилотидир.

ШҲТ очиқлик ва блокларга қўшилмаслик тамойилларига қатъий содиқлиги туфайли иштирокчи мамлакатлар ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни мустаҳкамлаб, минтақалараро ҳамкорликни муваффақиятли тарзда ривожлантирмоқда. Ташкилот таркиби кенгайиб, шериклик муносабатлари янги босқичга кўтарилмоқда. Дарҳақиқат, “Шанхай руҳи” тамойиллари асосида бирдамлик, ўзаро қўллаб-қувватлаш ва шерикликни мустаҳкамлаш орқали минтақада тинчлик, барқарорлик ва фаровонликни таъминлашга катта ҳисса қўшилади.

ШҲТнинг асосий устувор мақсадлари минтақада тинчлик, барқарорликни таъминлаш ва ривожланишга тўсиқ бўлувчи экстремизм, терроризм ва гиёҳвандликка қарши курашишдан иборат. Ушбу устувор йўналишлар фонида Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга нисбатан Ташкилотнинг умумий ёндашувини ишлаб чиқиш зарурат саналади. Ҳозирги пайтда Афғонистондаги гуманитар вазият оғирлиги уни аввалгидек ёлғиз қолдирмасликни тақозо этади. Акс ҳолда, Афғонистон қайтадан терроризм, экстремизм ва наркотик моддалар ўчоғига айланиб қолиши эҳтимоли юзага келиши мумкин.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, “Афғонистонда тинчлик ўрнатилиши ва унинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига кўмаклашиш, бу борадаги ишларни мувофиқлаштиришни кучайтириш ШҲТнинг энг устувор йўналишларидан бўлиб қолиши лозим. Афғон халқи яхши қўшничилик ёрдамимизга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ муҳтождир. Биз ўтмишдаги хатоларни такрорламаслигимиз ва Афғонистонни унинг муаммолари билан ёлғиз қолдирмаслигимиз лозим. Санкциялар сиёсатининг кучайтирилиши ва Афғонистоннинг ҳозирги ҳукумати янада яккаланиши муқаррар равишда мамлакат ичида радикаллашувнинг кучайишига олиб келади ва уни террорчилик ташкилотлари учун плацдармга айлантиради”.

Дарҳақиқат, Афғонистондаги вазият бутун минтақага таъсир қилиши мумкин. Мамлакат ичидаги беқарорлик, ишсизлик ва озиқ-овқат таъминотидаги узилишлар бошқа жиддий муаммоларни келтириб чиқариши эҳтимоли мавжуд. Шу нуқтаи назардан, давлатимиз раҳбари таклифига асосан Афғонистонни гуманитар қўллаб-қувватлаш бўйича махсус фонд ташкил этилиши фавқулоддда зарuratдир. Ушбу фонднинг Афғонистон билан чегарадош Термиз шаҳрида таъсис этилиши транспорт логистикаси тизимини ўзгартиришга, ушбу мамлакатдаги ижтимоий инқирозни бартараф этиш, ёшлар учун таълим дастурлари ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилади.

Бундан ташқари, Президентимиз Ташкилотнинг барча аъзоларини Марказий ва Жанубий Осиё минтақаларини боғлашда Афғонистоннинг кўприк сифатидаги ролини тиклашга қаратилган “Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар” темир йўли қурилишини қўллаб-қувватлашга чақирди. Башарти ушбу темир йўл бунёд этилса, нафақат Марказий Осиё давлатларининг ижтимоий-иқтисодий муаммолари ҳал этилади, балки иккита минтақанинг ўзаро уйғун эҳтиёжлари ва ҳамкорлигига чуқур замин яратилади.

ШҲТнинг Самарқанд саммитида Афғонистон Ташкилот маконининг муҳим қисми экани, шу боис, афғон халқига кўмак кўрсатиш борасида мавжуд имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш лозимлиги таъкидланди. Зеро, айнан ШҲТ Афғонистоннинг барча қўшни давлатларини ўзида жамлаган ва уни савдо-иқтисодий жараёнларга жалб эта оладиган ягона минтақавий механизмдир. Тузилманинг иккита муҳим таянчи бўлган хавфсизлик ва иқтисодий тараққиёт масалалари ҳам бевосита Афғонистондаги вазиятнинг барқарорлашувига чамбарчас боғлиқ.

## ЙИРИК СТРАТЕГИК ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Шоҳжаҳон ИСЛОМОВ,**
**Тошкент давлат шарқшунослик университети талабаси**



Жаҳонда рўй бераётган тартибсизликлар фонида аъзо давлатлар раҳбарлари ва бошқа нуфузли вакилларнинг юзма-юз учрашувлари ташкил этилиши ШҲТ кун тартибидаги масалаларни глобал даражага олиб чиқди. Ташкилот аъзолари орасида Жанубий Осиёнинг йирик давлати ҳисобланган Ҳиндистон ташаббуслари ва ундаги иштироки ўзига хос аҳамият касб этади.

Таҳлилларга кўра, жорий йил биринчи чорагида Ҳиндистоннинг иқтисодий ўсиши 6,4 фоизни ташкил этиб, дунёда етакчига айланди. Таққослайдиган бўлсак, бу кўрсаткич Европа Иттифоқида 2,7, АҚШда 2,6, Хитойда эса 4,5 фоизни ташкил этди. Британиянинг Иқтисодий ва амалий тадқиқотлар маркази экспертлари башоратига кўра, 2032 йилга келиб Ҳиндистон АҚШ ва Хитойдан кейин дунёнинг учинчи йирик иқтисодий қувватига айланади. Шу нуқтаи назардан, ШҲТ сингари нуфузли тузилма тимсолида Ҳиндистон ўз тараққиётининг янги эшикларини тасаввур қилади. Хусусан, Шимол-Жануб халқаро транспорт коридори (INSTC) ана шундай стратегик лойиҳалардан бири ҳисобланади.

Ушбу лойиҳа Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон, Озарбайжон, Россия, Марказий Осиё ва Европа ўртасида юк ташиш учун мўлжалланган узунлиги 7200 километрдан иборат кўп режимли денгиз, темир йўл ва автомобиль йўллари тармоғидир. Йўналиш, биринчи навбатда, Ҳиндистон, Эрон, Озарбайжон ва Россиядан денгиз, темир йўл ва автомобиль йўллари орқали юк ташишни ўз ичига олади. Транспорт коридорининг асосий мақсади Мумбай, Москва, Теҳрон, Боку, Бандар-Аббос, Астрахан, Бандар-Анзали ва бошқа шу каби йирик шаҳарлар ўртасидаги савдо алоқаларини ошириш. Уларнинг барчаси ШҲТ доирасидаги ҳамкор, баъзилари эса аъзо давлатларда жойлашган. Ушбу коридорга Марказий Осиё мамлакатлари қўшилиши эса улар иқтисодиётини диверсификациялашга кўмаклашади.

Саммитда Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Моди озиқ-овқат муаммосига тўхталиб, “Фуқароларимизнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш жиддий муаммодир. Унинг мумкин бўлган ечими ШҲТ минтақасида озиқ-овқат экинларининг янги турларини етиштиришга кўмаклашишдир”, деб таъкидлади. Дарҳақиқат, бу муаммони ҳал этиш ҳозирги вазиятда долзарб аҳамиятга эга. Бу, ўз навбатида, Ҳиндистон ва Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик ривожига олиб келади.

Хулоса қилганда, ШҲТ Ҳиндистон учун нафақат минтақавий имкониятлар манбаи, балки йирик стратегик лойиҳаларни амалга ошириш учун истиқболли майдон ҳисобланади.

**Саҳифани “Янги Ўзбекистон” мухбири Нодир МАҲМУДОВ тайёрлади.**

АДАБИЙ ҲАМКОРЛИК РИШТАЛАРИ

# ҲАМДЎСТЛИК МАМЛАКАТЛАРИ КИТОБХОНЛАРИНИ ЖАМЛАГАН АНЖУМАН

## ЁХУД МУЛЬТИМЕДИА НАШРЛАР, ЁЗУВЧИЛАР ВА ТАРЖИМОНЛАР МУҲОКАМАСИ





**Рисолат ҲАЙДАРОВА,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

**Шу йилнинг 13-14 сентябрь кунлари Москва шаҳрида "Ҳамдўстлик мамлакатлари китобхонлари II ассамблеяси" бўлиб ўтди. Унда МДҲ давлатларидан келган 60 дан ортиқ ношир, ёзувчи, таржимон, матбаа, китоб савдоси ва кутубхона соҳаси вакиллари, китоб дизайнерлари иштирок этди.**
**Анжуман Москва политехника университети биносида ўтказилди. Университет ректори Владимир Миклушевский буни шундай изоҳлади: "Матбаа соҳаси мутахассислари аввалдан шу олий ўқув юртида тайёрланган. Университетда IT-технологиялар, журналистика, матбаа факультетлари ишлаб турибди. 2019 йилда МДҲ китобхонлари I ассамблеясига ҳам бизнинг университет мезбонлик қилган".**

Биринчи кун иштирокчилар шуъбаларга бўлиниб, МДҲ давлатларидаги китобхонликнинг аҳволи, кутубхона соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, ноширлик ва китоб савдоси, шунингдек, таржима соҳасидаги ҳамкорлик масалалари хусусида сўз борди. Иккинчи кун эса анжуман якунлари муҳокама этилди.

Анжуман, асосан, учта шуъбада иш олиб борди: "Кутубхоналар. Таълим. Рақамли ўзгариш", "Китоб ва китобхонлик: энг яхши тажриба ва ресурсларни бирлаштириш", "Ноширлар, ёзувчилар ва таржимонлар".

Бундан ташқари, "Ёшлар шуъбаси. Лойиҳалар" номли алоҳида катта шуъба ҳам бўлиб, унда МДҲ давлатларидан келган ёш мутахассислар, олий ўқув юрти талабалари китоб саноатини ривожлантириш бўйича лойиҳалар устида ишлади. Бунда ёшлар орасида китобни тарғиб қилиш усуллари, китоб безаш, электрон мультимедиа нашрлар бўйича замонавий лойиҳалар яратиш борасида мунозаралар қилинди.

Айтиш керакки, жорий йил 24-26 август кунлари Москва политехника университетида "Келажак китоби" халқаро конференцияси бўлиб ўтган, унда элликдан ортиқ матбаа соҳаси мутахассислари қатнашган, ёшлар шуъбаси иштирокчилари келажак китобини қандай тасаввур қилишлари ҳақида қизиқарли чиқишлар қилган эди.

Умуман, китобнинг истиқболлари қандай, келажакда унинг шакли ўзгарадими, деган саволларга берилган жавоблар турлича бўлди. Москвадаги "Альфа-дизайн" МЧЖ директори Дмитрий Лаврик ўзи раҳбарлик қилаётган босмахонада тайёрланган 5D форматдаги китобни намойиш қиларкан, машҳур фильмдаги жумлани эсга олди: "Ким бизга халал берса, ўша бизга ёрдам қилади. Бугун ҳамма телефондан нолияпти, агар телефон китоб ўқишга ёрдам берса-чи?". Бунда телефондаги махсус илова орқали китобдаги суратлар "жонлантирилади", яъни суратлар телефон дисплейида "сўзга киради", "ҳаракат қилади".

Ўзбекистон вакиллари учала шуъбада ҳам катта маърузалар билан чиқди. "Китоб ва китобхонлик: энг яхши тажриба ва ресурсларни бирлаштириш" номли шуъбада сўзга чиққан Ўзбекистон ноширлари ва китоб дўконлари миллий ассоциацияси раиси Эркин Абдураҳмоновнинг маърузаси, айниқса, катта қизиқиш уйғотди. "2022 йил 1 сентябрь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда жами 344 та нашриёт фаолият кўрсатиб келмоқда, — деди у. — 2019-2022 йил биринчи ярим йиллиги мобайнида жами 28 минг 565 номда 242,2 миллион нусхада китоб маҳсулотлари нашр этилган. Шундан 26 минг 754 номдаги 132 миллион нусхаси бадиий адабиётлардир. Мамлакатимизда жами 1593 та матбаа корхонаси фаолият кўрсатяпти, шундан 88 таси давлатга, 1505 таси хусусий секторга тегишли. Уларнинг кунлик китоб ишлаб чиқариш қуввати 1 000 тадан 16 000 тагача мўлжалланган".

Сўнгги пайтларда Ўзбекистонда матбаа соҳасида фаолият юритаётган субъектлар сони ошган. Бунда 2021 йил 26 ноябрда "Ноширлик фаолияти тўғрисида" қонуннинг янги таҳрирда қабул қилингани муҳим аҳамият касб этди. Яратилган имкониятларнинг яна бири — ноширлик фаолияти учун лицензия олиш шарт эмаслигидир.

Мамлакатимиз матбаачиларининг қадами анча дадил экани Москвадаги ушбу анжуманда яна бир бор эътироф этилди. 2022 йил 23-24 июнь кунлари Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган МДҲга аъзо давлатларнинг "Китоб санъати" XIX Халқаро танлови Ўзбекистон нашриётларининг тўртта китобини ўз номинациялари бўйича 1-ўринга, иккитасини 3-ўринга муносиб деб топди. 2022 йил 4 сентябрь куни нашриётларимиз XXXV Москва халқаро китоб кўргазмаси доирасида тантанали тақдирланди. Ўзбек ноширлари Москва, Пекин, Франкфурт, Минск, Боку халқаро китоб кўргазма-ярмаркаларида ўз маҳсулотларини намойиш этиб, турли даражадаги мукофотларни қўлга киритган. Уч



йилдан бери Ўзбекистонда "Tashkent bookfest" анжумани ўтказиб келинмоқда.

Бу каби тадбирлар мамлакатлараро ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлашга, айниқса, ҳаётини ноширлик ва матбаачиликка, китоб савдоси, ахборот-кутубхона хизматига бағишлаган муҳаррир-ноширлар, матбаачилар, кутубхоначилар, хуллас, китоб саноатининг барча йўналишидаги мутахассисларнинг ўзаро тажриба алмашинувига, соҳага энг янги техника ва технологияларни, янгича ёндашувларни, китоб тарғиботининг энг замонавий услуб ва воситаларини олиб киришда муҳим омил бўлади.



Бугунги "умумий маданият", "IT олтин асри", "глобаллашув" ва ҳоказо номлар билан аталаётган замонда миллий ўзликни сақлаш, айниқса, болалар, ўсмирлар ва ёшларнинг онги "силлиқланиб", руҳиятининг тагзаминдан узилиб кетишига йўл қўймаслик борасида ибратли китобларнинг аҳамияти катта.

Шу йил январда Ўзбекистон Болалар ва ўсмирлар адабиёти халқаро кенгашига (International Board on Books for Young People — IBBY) ҳақиқий аъзо бўлиб кирди. Бу эса болалар ва ўсмирлар бўйича ўзбек адабиётини жаҳонда тарғиб қилиш, ўзбек болалар ёзувчилари, таржимонлари ва ноширларининг халқаро танловларда иштирок этиши ҳамда ўзбек ижодкорлари асарларининг дунё майдонига бемалол чиқа олишига замин яратади. Болалар ва ўсмирлар адабиёти халқаро кенгашида Ўзбекистон Республикаси Миллий шуъбаси таъсис этилди. Шу йил 5-8 сентябрь кунлари Малайзиянинг Путражая шаҳрида бўлиб ўтган IBBY ташкилоти 38-Бош Ассамблеясида Ўзбекистон вакиллари ҳам илк марта иштирок этди. Мазкур анжуман икки йилда бир марта турли мамлакатларда чақирилиб, бутун дунё болалар адабиётининг вакилларини жамлайди.

Мажлисларда сўзга чиққан кўпгина маърузачиларнинг сўзларида китоб савдоси ва китобхонликнинг бугунги аҳволидан ташвиш, ҳатто шикоят сезилади. Россия китоб уюшмаси президенти Сергей Степашин бугунги кунда болалар китобларининг мазмунан саёзлашиб бораётганини, Россия таълим академиясининг болаликни, оилани ва тарбияни ўрганиш институти директори Наталья Агре яхши китобларни оммавий ахборот воситаларида тарғиб қилиш талаб даражасида эмаслигини қайд этаркан, Евроосиё кутубхона ассамблеяси президенти Вадим Дуда рақамли технологияларга тош отавериш яхши эмас, у ерда ҳам ижобий ишларни амалга ошириш мумкин, дея таъкидлади. Дарҳақиқат, ҳамма гап технологияларни ижобий томонга йўналтиришда, улардан самарали фойдаланишда.

Россия давлат болалар кутубхонасининг социология ва китобхонлик тадқиқотчиси Вера Чудинова китобга муҳаббат уйғотиш давлат сиёсатига айланиши кераклигини таъкидларкан, қатор мамлакатларда китобхонлик даражаси қандай тадқиқ этилиши ҳақида тўхталди. "Ота-оналарнинг болаларига китоб ўқиб беришдек яхши одатлари бор. Биз шу одатни авайлашимиз керак, — деди у. — Лекин бу ҳам доимий тарғибот орқали эришиладиган иш".

Биз Ўзбекистонда китобхонликни тарғиб қилиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида гапириб бердик. "Беш муҳим ташаббус" доирасида "Ёш китобхон оила" танлови ташкил этилгани, танловда иштирок этиш учун 10 мингга яқин ёш оилалар ариза топширгани россиялик тадқиқотчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Мамлакатимизда "2020-2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастури" қабул қилингани, унга кўра, 2021 йилдан бошлаб ҳар йили апрель ойининг биринчи ҳафтаси "Китобхонлик ҳафталиги" этиб белгилангани қўшни давлатлар мутахассисларини ҳам қизиқтириб қўйди. "Ёш китобхон" республика танловида бугунги кунгача 2,5 миллион нафарга яқин ёшлар қатнашганини, танлов ёшлар орасида оммалашганини гапириб бердик. Ғолибликни қўлга киритганларга Президент совғаси — "Спарк" автомашинаси совға қилиниши ҳайратга сабаб бўлди.

"Шарқда ҳайратомуз ечимлар топишади, — деди В.Чудинова. — Китоб ўқиш билан автомобиль ютиб олиш кимнинг хаёлига келибди? Бу ёшларнинг китобга интилишларини моддийликка боғлаб қўймайдими?" "Нега энди? — дедик биз. — Рағбат ҳавойи эмас, чинакам бўлгани маъқул эмасми?"

Қирғизистон давлат китоб палатаси директори Қўйчуман Мўминқулов бу масалада янада қизиқ фикр билдирди: "Икки ярим миллион йигит ва қизларнинг танлов баҳонасида олган билими ва маънавий қуввати уларнинг шуурида қолади, ахир. Муҳими ҳам шу. Менга танлов сабабли очиладиган истиқболлар маъқул бўлди".

"Китоб акцияси" лойиҳаси ҳам аҳолини китобга яқинлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Шу пайтга қадар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси лойиҳалари доирасида чоп этилиб, бепул тарқатилган китоблар сони 144,1 минг нусхани ташкил қилади.

Китобхонлик, кутубхоналарни ривожлантириш, китоб нашрини рағбатлантириш, таржима ва ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида Ўзбекистонда ижобий силжишлар бўлаётгани, айниқса, мамлакатимиздан ташқарида, мана шундай анжуманларда яққол сезиларкан. Делегациямиз қатнашган шуъбалардаги маъруза ва чиқишларида бизга ҳаваслари келгани билинди. "Муаммолар, албатта, бор, — деди Эркин Абдураҳмонов. — Лекин биз уларнинг ечимини топишга ҳаракат қиляпмиз".

Бугунги кунда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ёш ижодкорлар билан ишлаш бўлими, шунингдек, қозоқ, тожик ва рус адабиёти кенгашлари ишлаб турибди. Ушбу миллий ижодий кенгашлар шу тилда ижод қилувчи шоир ва ёзувчиларни ўз атрофига жамлаган.

2018 йилдан бери Ёзувчилар уюшмаси янги истеъдодларни кашф қилиш мақсадида икки тилда — ўзбек ва рус тилларида ҳикоялар танлови ўтказиб келади. Танлов якунлари бўйича эса энг яхши ҳикоялар танлаб олиниб, альманах чоп этилади. 2021 йилгача учта — "Сув — бебаҳо неъмат", "Марварид ўлкам", "Коинотдек сарҳадсиз олам" адабий танловлари ўтказилди. Шу йил 28-29 май кунлари "Дўрмон баҳори" адабий форуми ўтказилди. Унда рус тилида ижод қилувчи элликдан ортиқ таниқли ва ёш, шоир-ёзувчилар ва публицистлар иштирок этди.

Жорий йил 17-19 август кунлари бўлиб ўтган анъанавий республика ёш ижодкорлар семинарида эса 85 нафар истеъдод эгаси қатнашди. Улар орасида қорақалпоқ, қозоқ, тожик ва рус миллатига мансуб ижодкорлар ҳам бор.

Ҳар йили семинар ғолибларининг асарлари "Биринчи китобим" сериясида чоп этилади. Бу лойиҳа 2010 йилдан бери давом этади. 2010-2021 йилларда лойиҳа доирасида 140 номдаги китоб нашр этилган, уларнинг умумий адади 2 миллион нусхани ташкил этади. Лойиҳа бошланган йилда ҳар бир китобча 10 минг нусхада босилган бўлса, ҳозир уларнинг ҳар бири 20 минг нусхада чоп этилади. Китобчалар кутубхоналарга бепул тарқатилиши қаторида ёш муаллифлар бутун республика бўйлаб ўтадиган тақдимотларда қатнашади. Шу тариқа Ёзувчилар уюшмаси ёшларни ўқувчиларга таништириб боради ҳам. Нашр харажатлари Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш фонди маблағлари ҳисобидан қопланади.

Бу маълумотлар қўшни давлатлардаги ҳамкасбларимизнинг ҳавасини келтирди. Очиғи, Ўзбекистондаги давлат тилидан бошқа тилларда ижод қилувчиларга муносабат борасида ҳам биздаги аҳвол яхши бўлиб чиқди. Бугунги кунда ўзбекистонлик қозоқ, тожик, рус ижодкорлари, шунингдек, қорақалпоқ ёзувчи ва шоирларини ўзбек ўқувчисига яқиндан таништириш бўйича ишлаётганимиз яхши самаралар бермоқда.

Ўзбекистонлик ёзувчи ва шоир, у қайси тилда ижод қилмасин, бизникидир. Чунки улар мамлакатимиз адабиётини бетакрор асарлар билан бойитмоқда. Қолаверса, ўзбекистонлик рус адабиётини Россия адабиёти билан таққослаб бўлмайди. Унда шарқона руҳ, ўзбекона нафас ва Ўзбекистон қиёфаси яшайди. Ўзбекистонлик тожик ёки қозоқ шоир ва ёзувчилар ижоди ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Чиндан ҳам, Мақсуд Шайхзода, Жавдат Илёсов, Жонибек Қувноқ, Александр Файнберг каби атоқли ижодкорларимиз ўзбек диёри ифтихорига айланган. Бугунги кунда таржимонларимизнинг меҳнати натижасида қозоқ адибаси Ойсулув Ахан қизи, рус адибаси Галина Долгая, қорақалпоқ ёзувчиси Кенгесбой Каримов, тожик шоири Паймон ўзбек китобхонларига танилган. Ўзбек адабиётини бошқа тилларга таржима қилишда ҳам айнан ўзбекистонлик ижодкорларнинг меҳнати беқиёс бўлмоқда. Николай Ильин, Евгений Абдуллаев, Қалдибек Сейданов, Ўрозбой Абдураҳмонов, Асадуллоҳ Исмоилзода, Жаъфар Муҳаммад каби таржимонлар боис, ўзбек шоир ва ёзувчиларининг асарлари рус, қозоқ, қорақалпоқ ва тожик тилларида чоп этилмоқда.

"Кутубхоналар. Таълим. Рақамли ўзгариш" шуъбасида маъруза қилган Тошкент шаҳар ахборот-кутубхона маркази директори Ҳафиза Каримова Ўзбекистон кутубхона тизимидаги янгиликлар, амалга оширилган ислоҳотларга алоҳида тўхталди.

2011 йилда Ўзбекистон Республикасининг ахборот-кутубхона фаолиятини йўлга қўйишга қаратилган қонуни қабул қилинган эди. Ҳужжат соҳанинг бошқарилиши, ахборот-кутубхона тизимини шакллантириш, кутубхона фондларини яратиш, ҳисобга олиш, сақлаш, тизимни молиялаштиришдан тортиб, то халқаро алоқаларгача бўлган катта жабҳани қамраб олган. Ҳозир соҳа ривожидаги янги имкониятлар ҳисобга олинган ҳолда, "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрири ишлаб чиқилмоқда.

Соҳа мутахассисларини рағбатлантириш ҳам китобхонлик маданиятини ривожлантириш омилларидан биридир. Ўтган 2021 йилда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан "Ахборот-кутубхона ишлари аълочиси" кўкрак нишони таъсис этилгани, жорий йилда соҳанинг 70 нафар мутахассиси ушбу нишон билан тақдирлангани анжуманда алоҳида эътироф этилди.

Ўзбекистон кутубхоналар ассоциациясининг таъсис этилгани ахборот-кутубхона марказларидаги барча турдаги ахборот-кутубхона ресурсларининг ягона базасини шакллантириш ва ундан бошқа ахборот-кутубхона муассасаларида фойдаланишни таъминлаш, кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари фондида мавжуд адабиётларнинг электрон ҳисоб-китобини юритиш ишларини такомиллаштириш ва марказлаштириш, ягона базасини шакллантириб боришга имкон яратди.

2022 йилда Ўзбекистон кўзи ожизларнинг босма маҳсулотлардан фойдаланишларини енгиллаштирувчи Марракеш шартномасига қўшилди. Бу ҳам ахборот-кутубхона ва матбаа ишидаги ижобий силжишлардан биридир.

Муҳокамаларда қатнашган "Ўздавкитобсавдотаъминоти" директори Шаҳзод Назаров, "Sahhof" нашриёти директори Акбарали Мамасолиев замонавий матбаачилик ривожи борасида фикрлар билдирди.

Анжуман давомида МДҲ давлатлари матбаа, китоб савдоси, кутубхона соҳаси, адабий ташкилотлар вакиллари, таржимонлар ўзаро ҳамкорлик борасида музокаралар ўтказди. Дарҳақиқат, китоб — инсониятнинг энг муносиб кашфиёти ва келажакнинг қанчалик ёруғ бўлиши бугун бизнинг китобга қандай муносабатда бўлишимизга боғлиқ.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДУК

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-964.
81594 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Баҳор Хидирова
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

ЎзА якуни — 21:20 Топширилди — 22:45